Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 223 (5214).
30 СЕНТЯБРЬ 1983 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Социалистик мусобақани ташкил этишни, унинг якунларини чиқариш ва ғолибларини рағбатлантириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда қайд этиладики, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари КПСС XXVI съезди қарорларини бажара бориб, социалистик мусобақани авж олдириш, оммаларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида ишлаётганларнинг 94 процентдан кўпроғи мусобақада иштирок этмоқда. Партиянинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда, ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни жалб этишда, меҳнатга коммунистик муносабат руҳини тарбиялашда мусобақанинг аҳамияти ошди.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларида социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, экономикани интенсивлашда, ишлаб чиқариш потенциалидан яна ҳам самаралироқ фойдаланишда, фан ва техника ютуқларини тезроқ жорий этишда, меҳнаткашларнинг социал ва меҳнат активлигини ривожлантиришда, шу асосда Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудрати ҳамда мустаҳкамланишини, халқ фаровонлигининг ўсишини таъминлашда социалистик мусобақа ролини кучайтириш вазифаси қўйилган эди. Хўжалик механизмининг такомиллаштирилиши, меҳнат коллективлари ролининг ўсиши, меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формалари оммалашаётганлиги, социалистик интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш зарурлиги ҳам мусобақага нисбатан янги талаблар қўяди.

Мусобақани ташкил этишдаги мавжуд камчиликлар сабабли унинг катта имкониятлари ҳали тўлиқ амалга оширилаётгани йўқ. Мусобақа формалари ҳозирги босқичда турган вазифаларга ҳамиша ҳам мос келаяпти деб бўлмайди. Кўпинча мусобақадошларнинг кучайрати асосан миқдор кўрсаткичларини таъминлашга, оралиқ натижаларга эришишга қаратилмоқда. Тўлиқ самара билан меҳнат қилмаётган, ўртача натижалар билан қаноатланиб қолаётган коллективлар ва ходимлар мусобақа ташкилотчиларининг назаридан кўпинча тушиб қолмоқдалар. Якунларни чиқариш чоғида баъзан етарлича талабчанлик қилинмаяпти, маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирларидан тегишли даражада самарали фойдаланилмаяпти.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари зиммасига партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг йўл-йўриқларига амал қилиб, социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилаш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, Озиқовқат ва Энергетика программаларини амалга ошириш учун курашда мусобақаннинг таъсирчанлигини кучайтириш вазифасини юклади.

Мусобақадошларнинг асосий эътиборини меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини жадаллаштиришга, маҳсулот сифатини оширишга, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, шартномалар ва буюртмаларга мувофиқ маҳсулотни ўз вақтида етказиб беришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, ишлаб чиқариш қувватларидан, хом ашё, энергиядан, иш вақтидан яхшироқ фойдаланишга, барча турдаги ресурсларни тежашга, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратиш зарур. Мўқобил планлар қабул қилиш учун, шу беш йилликнинг дастлабки йилларида белгиланган топшириқларга нисбатан камроқ етказиб берилган маҳсулотларнинг ўрнини қоплаш учун меҳнат коллективларининг ҳаракати бутун чоралар билан кенгайтирилсин. Мусобақа иш ҳақига нисбатан меҳнат унумдорлигининг илдамроқ ўсишига, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва уларнинг сифатини оширишга кўмаклашиши керак.

Бевосита ишлаб чиқаришда, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, агросаноат бирлашмаларида, корхоналарда ва муассасаларда, колхозлар ва совхозларда социалистик мусобақани ташкил этиш энг муҳим вазифа қилиб қўйилиши, меҳнаткашлар турли категориялари меҳнат фаолиятининг хусусиятларини тўлароқ ҳисобга олиш зарур. Хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, коллективчилик муносабатларини, бригада ҳар бир аъзосининг ташаббускорлигини ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш бригадаларининг мусобақаси такомиллаштирилсин. Меҳнатдаги ҳамдўстлик ва ўзаро ёрдам бутун чоралар билан қўллаб-қувватлансин, турдош коллективлар мусобақасининг ўзини оқлаган тажрибаси оммалаштирилсин.

Социалистик мусобақа формалари замон талабларига, хўжалик механизмини такомиллаштиришга доир амалга оширилаётган тадбирларга мос келишига изчиллик билан эришиш керак. Мусобақаларнинг ижодий характери ривожлантирилсин, унинг формаларини танлаб олиш чоғида такрорлаш ва параллелчиликка, бир қолипда ёндашишга йўл қўйилмасин. Барча фойдали ташаббуслар ўз вақтида пайқаб олиниб, қўллаб-қувватлансин ва оммалаштирилсин, эскириб, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмай қолган нарсаларга барҳам берилсин. Мусобақа шартлари ва унинг кўрсаткичлари, деб таъкидланади қарорда, аниқ-равшан бўлиши, юксак пировард натижаларга эришишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтириши, кишиларнинг меҳнатда ғайратини ўстиришга кўмаклашиши керак.

КПСС Марказий Комитети партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларидан, хўжалик раҳбарларидан социалистик мусобақа якунларини чиқариш ва унинг ғолибларини рағбатлантириш ишларини такомиллаштириш чораларини кўришни талаб қилди. Сифат кўрсаткичларининг, фан ва техникани ривожлантириш топшириқларининг бажарилишига, социал вазифаларнинг ҳал этилишига алоҳида эътибор берилсин. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг ишига ўсишда эришилган суръатларни, топшириқлар қай даражада тиғизлигини, ҳар йил ва беш йиллик бошидан бўён планларнинг муттасил ортиғи билан бажариб келинаётганлигини ҳисобга олган ҳолда баҳо берилиши таъминлансин.

Барча кўрсаткичлар юзасидан планларни бажаришга, ички резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга меҳнатташларни сафарбар этишда социалистик мажбуриятларнинг роли ва аҳамияти оширилсин. Мажбуриятларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланиши яхшиланган, бу мажбуриятлар қандай амалга оширилаётганлиги мунтазам суратда текшириб турилсин, сўз билан ишнинг бирлигига эришилсин.

Мусобақа ғолибларини аниқлаш чоғида талабчанлик кучайтирилсин. Ҳақиқатан ҳам энг яхши, ишлаб чиқариш ва социал вазифаларни самарали ҳал этиш намунасини, новаторларча ёндашув намунасини кўрсатаётган коллективлар билан ходимлар рағбатлантирилиши таъминлансин. Қолоқларни илғорлар даражасига кўтаришга, ҳар бир иш жойида юқори унумли меҳнат қилиш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришга қаратилган конкрет чоралар кўрилсин.

Мусобақа ҳамма жойда ўз вақтида, ишчанлик вазиятида, меҳнаткашларнинг актив иштирокида якунланиши муҳимдир. Корхоналар ва ташкилотлардан, мусобақанинг бошқа қатнашчиларидан кўп миқдордаги ҳар хил маълумотлар, айниқса давлат статистикасида кўзда тутилмаган маълумотлар сўралмаслигига кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Социалистик мусобақа масалаларига доир ҳисоботни тартиб га солиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Мусобақа қатнашчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш самарадорлигини, унинг сафарбар этувчилик ва тарбиявий аҳамиятини ошириш зарурлиги қайд этиб ўтилади. Ҳар бир кишининг меҳнат ҳиссаси муносиб баҳолансин, текислаштиришга йўл қўйилмасин. Бригадалар, участкалар, цехлар, бўлимлар, фермаларни коллектив рағбатлантиришнинг хилма-хил формалари активроқ қўлланилсин. Мусобақа натижаларига кўра ходимларни мукофотлаш учун моддий рағбатлантириш фонди ва иш ҳақи фондининг маблағларидан тўлиқроқ фойдаланилсин. Эсдалик совғалари, ёрлиқлар, вимпеллар, дипломлар, гувоҳномалар ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг бошқа воситаларининг сифати, бадиий безатилиши яхшилансин.

Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, деб уқтирилади қарорда, социалистик мусобақанинг боришига актив таъсир ўтказишлари, мусобақани ташкил этиш ва унинг натижалари учун коммунистларнинг авангардлик ролини, касаба союз комитетлари ва хўжалик раҳбарларининг масъулиятини бутун чоралар билан оширишлари лозим. Социалистик мажбуриятларни, мусобақа, унинг якунларини чиқариш шартларини ишлаб чиқишда, ғолибларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирларини белгилашда, илғорлар тажрибасини қўллаб-қувватлаш ва оммалаштиришда меҳнат коллективларининг СССР Қонунида кўзда тутилган ваколатлари изчиллик билан амалга оширилиши таъминлансин.

Мусобақанинг тарбиявий кучидан кенгроқ фойдаланиш керак. Ҳар бир коллективда юксак ижодий активлик, талабчанлик ва интизомлилик вазияти, кишиларнинг сифатли, унумли, халол меҳнат қилишини, ташаббускорлиги ва масъулиятини рағбатлантирадиган иқтисодий ва ташкилий шароитлар вужудга келтирилсин. Корхоналардаги иқтисодий ўқиш социалистик мусобақа билан яна ҳам маҳкам боғлансин, унинг қатнашчиларида резервларни аниқлаш, энг яхши меҳнат намуналарига нисбатан ўз имкониятларини кўра билиш, шахсий ҳамда коллектив социалистик мажбуриятлари ва мўқобил планларини асослай олиш маҳорати шакллантирилсин.

КПСС Марказий Комитети ВЦСПСга, касаба союзлари Марказий Комитетларига, касаба союзлари советларига комитетларига министрликлар, совет ва хўжалик органлари билан биргаликда социалистик мусобақага раҳбарлик қилишда ташкилотчилик ишининг савияси ва самарадорлигини оширишни, унинг форма ва методлари янада такомиллаштирилишини таъминлашни, барча бўғинларда амалий ижодий услубни, расмиятчилик кўринишларига нисбатан муросасизликни қарор топтиришни тавсия этди. Ҳар бир ишчи, колхозчи, мутахассисинг қалбига йўл топилсин. мусобақа мақсадлари билан шартлари унга яқин ва тушунарли қилинсин. Мусобақани ташкил этиш ишлари чуқурроқ анализ қилиниб умумлаштирилсин, касаба союз комитетлари ва активларга кўпроқ конкрет ёрдам бериб турилсин.

ВЛКСМ Марказий Комитети, комсомол ташкилотлари ёш ишчиларни мусобақага кенгроқ жалб этишлари, бунда комсомол ёшлар коллективларининг ролини оширишлари керак. Мажбуриятларни ишлаб чиқиш ва бажаришда комсомолларга, барча йигит ва қизларга ёрдам бериб турилсин, улар халқ мулкига хўжайинларча муносабатда бўлиш, уни кўпайтиришга интилиш руҳида тарбиялансин. Ёшларни меҳнат, сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашни кучайтириш учун социалистик мусобақадан, илғорларнинг, меҳнат ветеранларининг, мураббийларнинг намунасидан активроқ фойдаланилсин.

Газета ва журналларнинг редакцияларига, радио ва телевидениега, бошқа оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига социалистик мусобақанинг, планлар ва мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигининг, якунлар қандай чиқарилиб, ғолиблар қандай рағбатлантирилаётганлигининг кенг ошкоралигини таъминлаш топширилди. Интенсив хўжалик юритиш йўллари ва методларини, меҳнат ютуқларининг иқтисодий ва маънавий аҳамиятини ёритишга алоҳида эътибор берилсин. Ҳар бир меҳнаткаш ўзининг социалистик мусобақадаги актив иштироки билан мамлакат экономикасини янада юксалтиришга конкрет ҳисса қўшаётганлигини яхши англаб олишига эришилсин.

ЁЗУВЧИНИНГ СЎЗИ — ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА ҚУРОЛДИР

28 сентябрь куни Тошкент Санъат саройи гумбазлари остида янграган шеърий сатрлар халқларнинг тинчлик ва дўстлик тўғрисидаги улуғвор қасидасига айланиб кетди. Бу ерда бўлиб ўтган интернационал адабий кечада Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмаси VII конференциясининг қатнашчилари ва меҳмонлари сўзга чиқдилар. Бу ёрқин байрамнинг «Тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик тарафдоримиз» деган шиори инсониятнинг порлоқ келажаги тўғрисидаги фикр-ўйлар билан йўғрилган шу ёзувчилар анжуманининг руҳини тамомила акс эттирди.

Кечани шоирлар — СССР Давлат мукофотининг лауреати Евгений Долматовский билан Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Эркин Воҳидов олиб бордилар. Ҳар хил тилларда ўқилган шеърий сатрлар залдаги йиғилиш аҳлининг ҳаммасига яқин ва тушунарли бўлди, зеро уларда озодлик, эзгулик, бунёдкорлик меҳнатнинг қувончи каби бебаҳо бойликлар тараннум этилди, миллион-миллион кишиларнинг эзгу ўйлари ва орзу-умидлари акс этди.

Мисрнинг таниқли ёзувчиси, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Абдурраҳмон ал-Хамисий нутқида инсон ақл-заковатининг тантанасига, тараққийпарвар кучлар ғалабасига қатъий ишонч ўз ифодасини топди. Шу курашчи шоирнинг оташин сатрларида ер юзидаги барча софдил кишилар интернационал бирдамликни мустаҳкамлашга, дўстлик ва тараққиёт юксак идеалларини ҳимоя қилишга даъват этилди.

Бошқирдистон халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустай Каримнинг шеърлари халқларнинг озодлик ва бунёдкорлик йўлидан боришига халақит бераётган барча қора кучларга қарши адолат жангига чорлайди. Шоир поэзия кечасида «Қушлар учирилади» деб аталган шеърини ўқиб берди.

Гана ёзувчилари уюшмасининг президенти шоир Атуквей Окай ўз ватани тўғрисида, Африка халқлари мустақиллик, чинакам озодлик ва тенгликка интилаётганликлари ҳақида илҳомбахш сўзларни ўқиб берди. Москва адабиёт институтини битириб чиққан, ҳозир эса Легон университетида рус ва совет адабиётидан дарс бераётган Атуквей Окай бутун куч-қувватини кўп миллатли маданиятимиз ютуқлари билан кенг китобхонлар оммасини таништиришдек олижаноб ишга сарфламоқда. Кечада унинг «Африкалик» деган шеъри янгради.

Фаластиннинг таниқли шоири Муин Бсису ўқиб берган шеърлар тингловчини бефарқ қолдиролмайди. Бу шеърларда ватанидан жудо этилган, лекин курашни тўхтатмаган жафокаш халқнинг изтироблари, қаҳру ғазаби ифода этилган. Исроиллик каллакесарлар ер билан яксон қилган қоқоқлар лагери тўғрисидаги шеърда каттадан-кичик ҳамма қаҳрамонона ҳалок бўлгунча курашганлиги, Брест қалъасининг қаҳрамонлари сингари жанг қилганлиги баён этилади. Адиб ўз нутқини Владимир Ильич Ленин тўғрисидаги поэмадан парча ўқиб тугатди. Фаластинликларнинг отрядлари Ленин номини айтиб жангга кирмоқдалар.

Вьетнам шоири Тху Боннинг шеърлари ССР Иттифоқи халқларининг кўп тилларига таржима қилинган. Шу кечада унинг асарларидан бири ўзбек тилида ўқиб берилди.

Покистоннинг таниқли шоири «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати, Африка — Осиё ёзувчилар ҳаракатининг ветерани Файз Аҳмад Файз эски қадрдон дўстлар ва ҳамфикрлар билан янги учрашувларнинг шодиёналари тўғрисида тўлиб-тошиб гапирди. Унинг шеърлари кишиларни инсонпарварлик, тинчлик ва адолат идеалларини қарор топтириш учун курашга даъват этади. Кечада шу шеърлардан бири ўқиб эшиттирилди.

Ангола ёзувчиси, МПЛА Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси Антонио Жасинто кечага олиб келган шеърий сатрлар турмада ёзилганди. Португалиялик мустамлакачилар уни турмага ташлаган эдилар. Ўз мамлакатининг мустақиллиги учун музаффарона курашнинг актив қатнашчиси бўлган А. Жасинто ўн тўрт йилни партизан отрядларида ўтказган, қамоқ лагерларининг маҳбуси бўлган эди. Лекин булар ўз ижодини ирқчилар ва янги мустамлакачиларга қарши, янги уруш оловини ёқувчиларга қарши таъсирли қуролга айлантирган курашчининг иродасини бука олмади.

Ҳиндистоннинг таниқли шоири ва прозаиги, Африка — Осиё ёзувчилар ҳаракатининг ветерани Субхас Мукержининг асарлари совет китобхонларига яхши маълум. Унинг шеърий тўпламлари рус тилига таржима қилинган. Интернационал кечада адиб асарларидан бири ўзбек тилида янгради.

Совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги мислсиз жасорати бугунги кунда ҳам сўз санъаткори қайси мамлакатда ишламасин, уни одамларни ҳаққоний тинчлик учун муқаддас жангга чорловчи янги-янги асарларни яратишга илҳомлантирмоқда. Ироқ шоири Муҳаммад Мехди ал-Жавохирий Сталинграднинг қаҳрамонона мудофаасига бағишланган шеърини ўқиб берди.

Интернационал адабий кечада сўзга чиққан Монголия Ёзувчилар союзининг секретари Сономин Удвал, Шри Ланка Халқ ёзувчилари фронтининг бош секретари Гунасена Витана, Эфиопия Ёзувчилар союзининг бош секретари Ассефа Гебре Мариам, Қалмиқ халқ шоири, СССР ва РСФСР Давлат мукофотларининг лауреати Давид Кугультинов ва бошқа кўплаб адиблар тинчликсевар кучларнинг пировард ғалабасига қизғин ишонч билан йўғрилган шеърларини ўқиб бердилар. Бу асарлар инсониятни ядро ҳалокати хавфидан ҳимоя қилувчилар сафида турган жангчилар сингари кишиларнинг порлоқ келажаги учун, халқларнинг тинчлиги ва дўстлиги учун жанг қилмоқда.

(ЎзТАГ).

КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

● САМАРҚАНДЛИКЛАР Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмаси VII конференциясининг қатнашчиларини нон-туз билан кутиб олдилар. Икки қитъа адабиётларининг вакиллари шаҳарнинг турмуши билан, саноат, фан, маданиятни ривожлантиришда шаҳар меҳнатчилари эришган муваффақиятлар билан завқланиб танишдилар. Улар шаҳар Советининг депутатлари билан учрашдилар, Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтида, академик Р. Р. Шредер номидаги республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиалида бўлдилар, ўрта аср меъморчилиги ёдгорликларини кўздан кечирдилар.

— Конференция қатнашчиларининг кўплари кўҳна Самарқандни зиёрат қилиш орзусида эдилар, — дейди Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг бош секретари Алекс Ла Гума. Бу ажойиб шаҳар социалистик турмуш тарзининг ёрқин тимсолга экан. Мен Самарқандга учинчи марта келишим. Шаҳар ҳақида китоб ёзгандим. Аммо имконият топиладиган бўлса, бу ерга яна жон деб келаман, чунки бу шаҳар билан ҳар галги учрашувда уни қайтадан кашф этиш мумкин, унинг меҳнатсевар ва истеъдодли кишилари билан янги учрашувлар кишига қувонч бахш этади.

● ФАРҒОНАЛИКЛАР Тошкент конференциясининг қатнашчиларига саховатли куз неъматларини тортиқ этдилар. Шаҳар Совети ижроия комитетида бўлиб ўтган суҳбатда меҳмонларга шаҳарнинг тарихи, унинг экономикаси ва маданияти қандай ривожланаётганлиги, фарғоналикларнинг ҳозирги беш йилликка қўйаётган ҳиссалари ҳақида гапириб берилди.

Адиблар Қувасойдаги чинни заводига бориб, ўнинчи беш йиллик маҳсули бўлмиш ёш корхонанинг ишчилари билан учрашдилар, сўнгра дўстлик маршрути бўйлаб Қува районига етиб борилди. Бу ердаги янги лимонзорда улар «Тинчлик ва дўстлик» хиёбонига кўчатлар экишди. Яқинда ташкил этилган ихтисослаштирилган «Анор» совхози мевазорларини ёзувчилар мароқ билан кўздан кечирдилар. Улар хўжалик миришкорлари билан биргаликда машҳур Қува анорларини узишда қатнашдилар.

● ОСИЁ ВА АФРИКА мамлакатлари адиблари тушган самолёт Урганчга кўнган ҳамон аэропортни гуллар гилами, рақслар гулдастаси безаб юборди. Тошкент анжуманининг қатнашчилари ва меҳмонлари Урганч шаҳар ижроия комитетига бордилар. Уларнинг келиши шарафига Хивада конференция қатнашчиларининг кўплари сотиладиган кўргазма очилган эди. Кўргазмага келган кўпгина кишилар муаллифларнинг дастхатларини олишга мушарраф бўлдилар.

Дунёда ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак қонилмақом тарзда пайваста бўлган жойлар ончалик кўп эмас, — деди афғон шоири, АДР Ёзувчилар союзининг раиси, АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ғулом Дастагир Панжшири. Хоразмнинг экономика ва маданият соҳасидаги ютуқлари менда катта таассурот қолдирди. Меҳнатсевар халқ ернинг ўсилига ҳосил, чиройига чирой қўшибди, бу ернинг ўзини эса саҳродан юлиб олиб, обод қилибди. Пахтазорга қараган киши завқ-шавққа тўлмай қола олмайди. Меҳнат қувончини билган кишиларгина шу қадар мўлкўл ҳосил етиштира оладилар. Хоразмда пахта ва шолидан дунёда энг юқори ҳосил олинаётганини биламиз. Гуллаб-яшнаб турган, тинч Ўзбекистон — инсоннинг энг оддий ҳуқуқлари поймол этилаётган, одамлар очликдан ўлаётган кўпгина капиталистик мамлакатларнинг мутлақо аксидир.

Адиблар Хива гилам тўқиш фабрикасининг чеварлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

РИЁКОРЛИК СИЁСАТИНИ ҚОРАЛАЙМИЗ

Республикамиз меҳнаткашлари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС ва Совет ҳукуматининг тинчликсевар сиёсати тўғрисида ҳамда АҚШ маъмуриятининг Советларга қарши ҳуружлари ва агрессив фаолияти хусусида берган баёнотини қизғин маъқулламоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтаётган митингларнинг қатнашчилари расмий Вашингтон доираларининг асоссиз туҳматлари ва даҳдағаларини кескин рад этмоқдалар, империализмнинг ёвуз ниятларини фош қилмоқдалар.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДЕБ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг баёноти Фарғона области меҳнаткашларининг қалбларида зўр акс садо берди.

29 сентябрь куни шаҳарнинг энг катта корхоналаридан бири Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида кўп кишилик митинг бўлди.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси слесарь П. В. Асеев минбарга чиқади.

— Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг баёнотида бутун совет халқининг фикри-зикри ва орзу-умидлари ифодаланган, деди у. — Мустақил давлатлар ва халқларга ўз ҳукмини қурол кучи билан ўтказишга уринаётган Америка маъмуриятининг тажовузкорлик ҳаракатлари бизни ғазаблантиради. Океан нариёғидаги стратегларнинг жинояткорона ирволари ҳаммамизнинг нафратланиш туйғуларимизни кучайтирмоқда. Совет кишилари уруш нималигини биладилар, шу сабабли улар ер юзида термоядро ёнғини чиқишини хоҳламайдилар. Бинобарин, империалистларнинг хатарли режалари барбод қилинишига бизнинг ишончимиз комил.

Митингда меҳнат ветерани слесарь М. Усмонов, инженер Л. А. Панченко ва бошқалар сўзга чиқиб, АҚШнинг агрессив сиёсатини қораладилар.

ОСМОНИМИЗ БЕҒУБОР БЎЛСИН

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотида жаҳондаги барча соф ниятли кишиларнинг орзу-умидлари ифодаланган.

Биз педагоглар ўртоқ Ю. В. Андропов Баёнотида ифодаланган Совет ҳукумати ташқи сиёсатини чин юракдан маъқуллаймиз, астойдил қўллаб-қувватлаймиз. Чунки, Баёнотда таъкидланганидек, «Биз инсониятнинг ҳалокатга маҳкум эмаслигига асосланиб, иш тутамиз. Қуролланиш пойгасига чек қўйилиши лозим ва мумкин».

Фатҳулла МУҲАММАДАЛИЕВ,
Тошкентдаги 236-мактаб директори.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Бош давлат арбитрининг ўринбосари ўртоқ Солих Бокиевич Сафоевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

1983 йил 28 сентябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1500» учирилди.

Йўлдошни учиришдан асосий мақсад ахборот-ўлчов аппаратларининг янги турларини ҳамда СССР халқ хўжалиги турли тармоқлари ва илм-фан манфаатларини кўзлаб жаҳон океани ва Ер сатҳини олисдан туриб тадқиқ этиш методларини такомиллаштиришни давом эттиришдан иборат.

МЕҲНАТКАШЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА

ЯНГИ ПРОГРАММА

Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг кўп сонли илтимосларига кўра 1983 йилнинг 30 сентябрь ва 1 октябрь кунлари соат 18 да «Пахтакор» стадионида янги программада бадиий-спорт томошалари ўтказилади.

Билетлар «Пахтакор» стадионининг кассаларида эрталаб соат 10 дан сотилмоқда.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҚИШКИ ВАҚТГА СОАТ МИЛЛАРИ ОРҚАГА СУРИЛАДИ

Эртага Совет Иттифоқининг территориясида 0 соатда соат миллари бир соат орқага сурилади. Сизларнинг ҳам соатларингизни ана шундай созлашингизга тўғри келади: яна янгидан қишки вақт жорий этилади.

1 апрелдан бошлаб жорий этилган ёзги вақт бизнинг яхшилигимизга хизмат қилди. Биз экономика учун фойдали бўлган яшадик... Электр қувватини сарфлаш ончагина камайди ва ҳар биримиз учун фойдали бўлди: дам олиш учун қўшимча серқуёш дамлар кўпайди. Табиатнинг ўзи ёз фаслида барвақт уйғонишимизга чорлади. Энди эса бутунлай бошқа гап. Кузда ва қишда кун қисқаради, тезда қош қораяди. Бу ойларда асаб системамизда тормозланиш жараёнлари юз беради. Шунинг учун ҳам кузда ва қишда актив фаолиятимизни бирмунча кечроқ бошлашга тўғри келади.

СССР Министрлар Советининг 1981 йилнинг 1 апрелида жорий этилган «СССР территориясида вақтни ҳисоблашнинг тартиби тўғрисида»ги қарори икки муҳим асосий вазифани ҳал этишни кўзда тутган эди: соат минтақаларини аниқлаш ва вақтнинг минтақа ҳисобида мавжуд бўлган камчиликларини бартараф этиш, ёзги вақтни жорий этиш эди. Бу тадбирларнинг асосий мақсади сутканинг ёруғ вақтидан капитал харажатларсиз кўпроқ ва самарали фойдаланиш эди.

Биз ёзги вақт бўйича яшаган олти ой ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини бажариш, Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик кўриш, юбилей йилининг мажбуриятини ошириб бажариш учун курашда ғоятда қизғин ўтди. Совет ҳокимияти йилларида йирик саноат, маданият ва илмий марказ бўлиб қолган Тошкент ўзининг 2 минг йиллигини меҳнатда янги-янги армуғонлар билан нишонлади. Ўн биринчи беш йилликнинг икки йиллик маррасини собит қадамлар билан эгаллаган шаҳар индустрияси шу йилнинг фақат саккиз ойи мобайнида 42 миллион сўмликдан зиёд турли халқ хўжалик буюмларини етказиб берди, ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 5,2 процентни ташкил этди. Тошкентликлар ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлигини юксалтиришга барча куч ва ғайратни сафарбар этиб, тайёрланаётган маҳсулот сифатини оширишда, саноат, уй-жой қурилиши, маданий-маиший ва коммунал хўжалиги юмушларининг катта ҳажмини бажаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар. Бир қатор янги уй-жой бинолари, мактаблар, болалар боғчалари бунёд этилди. Катта ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Биз яшаб келган ёзги вақт эртага ўз ҳаракатини ниҳоясига етказади. Ватанимизнинг бутун территорияси бўйлаб 30 сентябрдан 1 октябрга ўтар кечаси барча соатларнинг миллари бир соат орқага сурилади. 30 сентябрда сутканинг давомийлиги 24 соат бўлиб қолмай, балки 25 соатни ташкил этади. Бир ой мобайнида қуёшнинг чарақлаб туриши 1 соат 20 минут қисқаради, 1 октябрдан бошлаб қуёш эрталаб 7 дан 18 минут ўтганда чиқади, 19 дан 07 минут ўтганида ботади.

Қишки вақтга ўтиш сутканинг ёруғ вақтидан янада унумли фойдаланиш имконини беради. Эртага беш кунлик иш ҳафтасида меҳнат қиладиган кўпчиликнинг дам олиш куни. Шунга қарамай, ётишдан олдин соатларингиз милларини бир соат орқага суриб қўйишни унутманг.

● ФАКТ ВА ШАРҲ

200 МИНГИНЧИ КОМБАЙН ТАЙЁР!

«Ташсельмаш» заводи конвейеридан 200 мингинчи «зангори кема» туширив олинди. Бу воқеани «Ташсельмаш» заводининг директори Х. Ғуломов шундай шарҳлайди.

— Улуғ Октябрнинг 10 йиллиги нишонланаётганда «Главхлопкомя»нинг камтарона ремонт-механика устахонаси номи билан пайдо бўлган завод партия ва давлат иродаси билан кўп ўтмасдан йирик қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига айланди. Унинг биринчи навбати 1931 йилнинг 1 майида фойдаланишга топширилди.

Ягона йирик машинасозлик корхонаси бўлганлиги учун у пахта тозалаш саноатини тўла технологик машиналар билан таъминлаб турди. 1934—35 йилларда мамлакатга хориждан технологик машиналар келтирилишга барҳам берилди.

1932 йилда коллектив дала механиқашларига тупроққа ишлов берувчи ва бошқа хил қишлоқ хўжалик машиналарини етказиб бера бошлади. Улар пахта етиштириш жараёнларини механизациялашга катта ёрдам берди. Бундай машиналар фақат Ўзбекистонгагина эмас, балки бошқа пахтакор республикаларга ҳам жўнатила бошланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида «Ташсельмаш» заводи Қизил Армияни қурол-аслаҳа билан таъминлаб турувчи республикадаги арсеналлардан бирига айланди.

Ниҳоят, 1949 йилда завод мамлакатимизда биринчи бўлиб механик усулда пахта терувчи машиналарни тайёрлашга киришди. Пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси томонидан яратилган «СХМ—48» вертикаль-шпинделли бир қаторли комбайн терим агрегатларининг қалдирғочи эди. Орадан ўн йил ўтгандан кейин корхона икки қаторли комбайнларни тайёрлашга киришди. Улар қатор оралари 60 сантиметр бўлган эгатлардаги пахтани териб олишга мослашган эди. Бу вақтда ҳукумат қарори билан «Ташсельмаш» бошқа маҳсулотларни тайёрлашдан озод этилди ва фақат пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришга ихтисослаша бошлади.

Агротехника фани ютуқларининг такомиллашиб бориши ва Давлат махсус конструкторлик бюросининг изланишлари туфайли завод кейинчалик пахта териш машиналарининг янги моделларини ўзлаштира бошлади.

Бу машиналар 60 ва 90 сантиметр ораликдаги пахтани терадиган икки ва тўрт қаторли агрегатлар эди. Астасекин ингичка толали, ўрта толали пахталарни табақалаб терадиган машиналар яратилди.

Бу йил завод конвейеридан туширив олинган 200 мингинчи машина — икки қаторли машина бўлиб, ҳозирги замонда энг такомиллашган конструкция ҳисобланади. У ҳосилни тозалаш ва тўкилган пахталарни териб олиш хусусиятига эга. «ХНП—1,8» «зангори кема»си бу йилги ҳосил учун кураш бошлаган деҳқонларга ажойиб совғадир.

Корхона коллективи ўн биринчи беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш учун курашни авж олдириб, 60-90 сантиметр ораликдаги пахталарни теришга мослашган «ХС—1,2» ва «ХС—1,8» маркали пахта териш комбайнларини ўн иккинчи беш йилликда ўзлаштириш комплекс программасини амалга ошириш учун жон қуйдирмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришга илғор технологияни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳам асосий мақсад бўлиб турибди.

«Ўроқ ва Болға» Иттифоқи заводда олиб борилаётган ишларнинг ёрқин тимсолидир. Биз ўзимизнинг бутун куч ва қудратимизни, маҳоратимизни 1983 — 1990 йилларга мўлжалланган мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишга сарф қилмоқдамиз.

БИЗ ҲАММАМИЗ— ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 29 сентябрга бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

Бухоро	1,59	43,87	0,22	2,08
Хоразм	2,31	32,21	0,99	4,36
ҚҚАССР	2,34	27,74	1,88	10,17
Тошкент	3,39	26,21	3,21	17,18
Сурхондарё	1,73	26,15	1,07	8,94
Навоий	1,23	25,76	0,23	0,56
Фарғона	2,03	24,26	0,03	0,11
Самарқанд	1,28	21,99	0,33	1,07
Қашқадарё	1,59	21,95	0,82	4,39
Андижон	1,74	21,16	0,29	0,71
Наманган	1,80	18,07	0,78	2,19
Сирдарё	1,86	11,16	1,78	4,64
Жиззах	2,09	9,73	2,28	9,11
Республика бўйича:	1,91	23,89	1,10	5,22

● Ўтган кун республикамизда 113471 тонна пахта тайёрланди. Мавсум бошидан буён уйилган хирмон 1416947 тонна етди.

● Сирдарё области заршуносларн аввалги кундагига қараганда 0,46 процент кўп «оқ олтин» тайёрлаб, энг юқорн кўрсаткичга эришдилар. Тошкент области далаларида ҳам йиғим-терим жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Бу ерда ўтган кун 14392 тонна пахта тайёрланди. Шунинг 11233 тоннаси машиналар билан терилди.

● Ҳаммаси бўлиб агрегатлар бункеридан 205756 тонна, бир кунда 43224 тонна дурдона тўкилди.

● Бир кунда 8468 тонна, мавсум бошидан буён 124992 тонна мингичка толали пахта тайёрланди.

● ҚАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхознинг У. Хатамов бошлиқ бригадаси аъзолари Тошкент технологияси асосида ишлашмоқда. Бу ерда ялпи пахта хирмонини минг тоннага етказиш ва йиғим-теримни 20 иш кунида тугаллашга қарор қилинди. Коллектив ишни икки сменада ташкил этган. Олтита агрегатнинг ҳар бири билан кунига 10—13 тоннадан пахта терилмоқда.

● СИРДАРЁ. Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг механизатори, СССР Олий Совети депутати, Ленин ордени кавалери Тўхтахон Қирғизбоева бир кунда 12 тонна пахта теришга муваффақ бўлди. Тўхтахон Қирғизбоева бошлиқ звено аъзолари 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Звено коллективининг аҳди ҳосилдорликни 60 центнерга етказишдан иборатдир.

● ТОШКЕНТ. Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозида кунига 5—5,5 процентдан «оқ олтин» тайёрланмоқда. Терим агрегатлари бункеридан 160—170 тоннадан пахта тўкиляпти. Илғор механизаторлардан Сафар Худойберганов ва Маъруф Раҳимовлар бир сменада хирмонга 8—10 тоннадан дурдона топширишмоқда. Механизмларнинг унумли ишлатилиши туфайли Абдулҳай Абдуқодиров ва Абулқосим Бойсеновлар бошлиқ бригадаларда кунига планнинг 7—8 процентн миқдорида пахта тайёрланяпти.

● Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози далаларида меҳнат қилаётган Шокир, Ширин, Малик ва Латиф Зокировлардан иборат оилавий экипаж кунига 28—30 тоннадан «оқ олтин» теряпти. Мавсумда хирмонга 500 тонна пахта тўкиш мажбуриятини олган оилавий экипаж аъзолари шу кунгача 150 тонна хом ашё теришга эришдилар.

ЎЗБЕКИСТОН САҲНА УСТАЛАРИ — МОСКВА МЕҲМОНЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театрининг гастроллари Москванинг маданий ҳаётида сезиларли воқеа бўлди. Тошкентлик меҳмонларга пойтахтнинг энг яхши саҳналари — ССР Иттифоқи Большой театри ва Кремлнинг Съездлар саройи бериб қўйилди.

Ҳар бир спектаклни томошабинлар қизғин қарсаклар, гулдасталар билан кутиб олмоқдалар. Гастроль репертуарида Тошкент театрининг энг яхши спектакллари — А. Меликовнинг «Икки дил достони», Л. Минкуснинг «Дон Кихот», Р. Шчедриннинг «Анна Каренина» балетлари, Ш. Гунонинг «Фауст» операсининг янги постановкаси бор.

Ўзбекистон санъати вакилларини москвалик ҳамкасблар чин кўнгилдан самимий табриклямоқдалар. Гастроллар очиладиган куни СССР халқ артисти Е. Райков, РСФСР халқ артисти Ю. Григорьев, П. И. Чайковский номидаги халқаро конкурс лауреати Л. Шемчук, бошқа таниқли солистлар меҳмонларга эзгу тилаклар билдиришди.

Пойтахтнинг театр жамоатчилиги номидан сўзга чиққан СССР халқ артисти Р. Стручкова бу ерда ўзига хос санъатини бир неча бор намойиш этган тошкентлик саҳна усталари билан учрашув москвликлар учун айниқса қувончли эканини уқтириб ўтди.

Навоий номидаги театрнинг бош дирижери, СССР халқ артисти Д. Абдураҳмонова жавоб нутқида иззат-икром ва меҳмондўстлик учун москвликларга ташаккур айтди, бу галги гастроллар бутун коллектив учун ажойиб ижодий мактаб бўлади, деб таъкидлади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат академик катта театрининг Москвадаги гастроллари 5 октябргача давом этади.

Москва.

(ТАСС—ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Хорст Долус бошчилигидаги Германия Бирлашган социалистик партияси делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан, республика партия ташкилотларининг фаолияти билан танишди.

Қардош партия намояндалари Тошкентда Владимир Ильич Ленин Марказий музейининг филиалига, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига бордилар, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройини кўздан кечирдилар. Улар пойтахт областидаги хўжаликларга сафар қилдилар, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози ва Усмон Юсупов номли аграрсаноат бирлашмаси меҳнатчиларининг ҳаёти ва меҳнати билан танишдилар. Янгийўл шаҳар партия комитетида шаҳар ва район партия ташкилотларининг раҳбарлари билан суҳбат бўлиб ўтди.

Делегация аъзолари Самарқандда бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОБИҚ СЕКРЕТАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ РАИСИ А. А. ХЎЖАЕВ ХОТИРАСИНИ АБАДИЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси А. А. Хўжаевнинг экономика ва маданиятни ривожлантиришдаги катта хизматларини, республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашганлигини қайд этиб ва меҳнаткашларнинг истакларини инобатга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилдилар: Тошкентдаги 63-ўрта шаҳар ҳунар-техника билим юртига, Тошкент шаҳридаги Халқлар дўстлиги майдони билан Уйғур кўчаси ўртасидаги Янги Ўзбекистон кўчасига Асадилла Ашрапович Хўжаев номи берилсин. А. А. Хўжаев қабрига бюст ўрнатишга қарор қилинди.

ҚЎРИҚДАГИ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

Қўриқ Жиззах область Арнасой ва Дўстлик районларидаги маршал Конев, Рокоссовский, Гречко, Васильевский ва Мамажон Дадажонов номли совхозларни оталиққа олган пойтахт Акмал Икромов районн корхоналари меҳнаткашлари ушбу долзарб паллада азамат пахтакорларга кўмакка етиб бордилар.

Оталиқ хўжаликлар пахта далаларида айни шу кунларда 40 дан ортиқ малакали слесарь-ремонтчил а р бригадаси ялпи ҳосилнинг деярли ҳаммасини йиғиб олишни ўз зиммасига олган «зангори кема»ларни теримга шайлаш билан машғул. Район автокорхоналари ажратган 10 та автолетучка, юк ва ёнилғи ташиш машиналари, 5 та пайвандлаш агрегати ремонт ишларини жадал суръатлар билан олиб бориш имконини бермоқда. Оталиққа олинган хўжаликлар ҳисобига бу йил жами 300 минг сўмлик қурилиш материаллари ва эҳтиёт қисмлар ажратиш кўзда тутилган.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАКТАБИ

Халқ хўжалигининг ҳозирги кундаги жадал ривожини фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга ҳар томонлама жорий этишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министлар Советининг халқ хўжалигида илмий-техника тараққиётини ривожлантириш чоралари тўғрисидаги қарорида фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларини халқ хўжалиги томонидан ўзлаштириб олишнинг конкрет йўналишлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Давлат план комитети ва Ўзбекистон машинасозлик саноати илмий-техник жамияти республика совети илмий-техник жамияти ахборот ва техник-иқтисодий изланишлар илмий-тадқиқот институти ташаббуси билан ташкил этилган «Ахборот восталарининг прогрессив форма ва методлари» илғор тажриба мактаби ана шу масалаларни илмий-техник ахборот кучи ва восталари билан бартараф этиш йўлларини муҳокама қилди.

Республика ва Тошкент корхоналари мутахассислари илмий-техник ахборот йўналишидаги иш тажрибаларини ўтқазишдилар.

ТАСС баёноти

Ливаннинг ички можаросида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида томонлар ўртасида битимга эришилганлиги ҳақидаги хабар Совет Иттифоқида ижобий тарзда кутиб олинди. Тинчлик, осойишталик ва нормал турмушни қайта тиклаш йўлида зарур қадам қўйилди.

Аммо бу — фақат биринчи қадам эканлиги равшан. Ливаннинг ўзидаги ва унинг теварагидаги танглик вазиятини вужудга келтирган сабаблар тугатилган тақдирдагина Ливанда мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши, бу мамлакатнинг ички муаммолари ҳал этилиши таъминланиши мумкин. Бу сабаблар нималиги равшан. Бу — Ливан территориясининг учдан бир қисмини ҳамон оккупация қилиб турган Исроилнинг агрессиясидир. Бу — Ливаннинг ишларига Америка Қўшма Штаталарининг қўпол равишда аралашуви ва бу нарса унинг НАТОдаги баъзи иттифоқчилари иштирокидаги бевосита қуролли интервенцияга айланиб кетганлигидир. Бу — Вашингтон билан Тель-Авивнинг Ливан халқини Исроил билан сепарат битимнинг асоратли шартларига бўйсунишга мажбур қилиш йўлидаги уринишларидир.

Ҳозир Вашингтонда гўё Ливандаги аҳволни барқарорлаштиришдан унинг манфаатдорлиги ҳақида берилаётган баёнотлар Ливанга қарши агрессия қилган АҚШнинг амалий ишлари билан асло қовушмайди. Интервенциячи кучларнинг тобора янги-янги отрядлари Ливан соҳилларига юборилаётганлиги шундан далолат бермайдими, ахир. Кемалардаги тўплар Ливан пойтахти — Байрутни, мамлакатнинг бошқа шаҳарлари ва аҳоли пунктларини нишонга олиб турибди. Америка, Франция ва Англия самолётлари Ливан территориясига яна бомба ёғдиришга ҳозиру нозирдирлар.

Исроиллик оккупациячилар Ливан диёридан ҳеч сўзсиз ва зудлик билан чиқиб кетишларини, Америка қўшинлари ва НАТОнинг бошқа қўшинлари у ердан олиб чиқиб кетилишини Ливан халқининг, бошқа араб халқларининг манфаатлари, Яқин Шарқдаги тинчлик манфаатлари талаб қилади.

Совет Иттифоқи Ливан ишларида империалистларнинг зўравонлик ва аралашув сиёсатига қатъиян қарши чиқиб, ўзининг Ливан бирлиги, мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя қилишга қаратилган ўзгармас позициясини тасдиқлайди.

Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг ҳар бир участкасида терим қизғин бораяпти. Республикамизнинг 6 миллион тонналик улкан хирмонини бунёд этиш учун ҳар бир киши ўз муносиб ҳиссасини қўшишга интилмоқда. Илғор теримчи Карима Исматиллаева ва мавсумда камида 150 тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилган Аҳматилла Исомов хўжаликда ташкил этилган социалистик мусобақада бир неча бор ғолиб чиқишди.

Т. Каримов фотоси.

● 6 МИЛЛИОН ЙЎЛЛАРИДА

9. ЁН ҚЎШНИ—ЖОН ҚЎШНИ

Янгийўл фақат пахта маскани эмас, боғлар, полизлар маскани ҳамдир. Районнинг Тошкентга яқинлиги бу ерда пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кенг ривожлантиришни тақозо этмоқда.

«Партия XXI съезди» колхози кўптармоқли хўжалик ҳисобланади. Биз бу колхозда бўлганимизда бу йил Тошкентга қанча сабзавот ва мева етказиб берилганлиги билан қизиқдик. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мараҳимжон Мадаминов шундай деди:

— Биз, пахта билан бир қаторда аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ҳам катта эътибор беряпмиз. Бу бизнинг КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларининг ва СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига қўшган ҳиссамиздир.

«Партия XXI съезди» колхози ерлари адирлик, паст-баланд ерлар. Биладиган кишилар бундай ерларнинг минг гектарида деҳқончилик қилгандан, текис майдонларнинг 3 минг гектарида деҳқончилик қилишни афзал билишади.

Баланд ерларда экинларни суғориш ҳам, механизация ёрдамида парваришлаб, ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳам катта маҳорат талаб этади. Шунга қарамасдан колхоз меҳнаткашлари барча экинлар қаторн, пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштириб келишяпти.

50 центнерчи бригадир Сайдаҳмад Охуновни дала шийпонида учратдик. Район агросаноат бирлашмаси бошлиғи Абдуолим Исоқов у билан қўл олишиб саломлашаркан:

— Қалай, Сайдаҳмад ака, қишдаги наказнмиз бажарилай деяптими?— деди.

Бригаднр кулиб:

— Бажарилади, Абдуолимжон, албатта бажариладн,— деди.— Карталаримизни бир айланинг, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Биз нима ҳақда гап бораётганлигини дуруст англолмай турганднк, Абдуолим акаНинг ўзи изоҳ берди. Унинг айтишича, шу йил қишда район партия комитетининг ташаббуси билан Янгийўл шаҳрида пахтачилик бригадалари бошлиқларининг семинар-кенгаши ташкил этилган экан. Тошкентдан келган бир группа олимлар ўн кун мобайнида деҳқонларга қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари бўйинча лекциялар ўқишиди. Ҳар куни тушлик пайтида Тошкентдан келган таниқли санъаткорлар ажойиб қўшиқ ва куйлари билан семинар қатнашчиларининг дилнни хушнуд этишибди. Шунда семинарда қатнашган Сайдаҳмад Охунов ёнида ўтирган Абдуолим акага:

— Абдуолимжон, бу дил яйратар концертлар кимнинг ҳисобидан, — деб сўрабди. Абдуолим ака:

— Узумнни енг, боғнни суриштирманг ака, тошкентлик санъаткорларга пул эмас, пахта керак. Кузда ҳар гектардан 50 центнердан пахта топширсангиз кифоя, санъаткорлар қилган хизматларига минг карра рози бўлишади, —дебди. Даврада гурра кулги кўтарилибди. Абдуолим ака ҳозир бригадирнинг ёдига ўша гапни солаётган эди.

Янгийўлликлар бу йил 9.852 гектар майдонга пахта экишган. Бу майдонларнинг ҳар гектардан 36 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган. Етиштирилган ҳосилнинг 80 процентдан ортиғи ёки 24 минг тоннаси «зангори кема»лар ёрдамида териб олинади.

Ҳар бир механизатор терим олдидан ўз зиммасига шахсий мажбуриятлар қабул қилди. Пешқадам механизаторлар Салоҳиддин Фахриддинов, Ислом ва Асад Исматовлар машиналарн бункеридан 180—200 тоннадан «оқ олтин» тўкишга ваъда беришган. Ҳозир улар шу ваъдаларига ярашэ меҳнат қилишяпти.

● ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА ИНТЕРВЬЮ

КЕЛАЖАК ПОЛИМЕРЛАРИ

БУГУН

Тошкентда полимер композицион материаллар ва уларнинг халқ хўжалигида ишлатилиши проблемаларига бағишланган II Бутуниттифоқ конференцияси ўз ишини тугатди. Мухбиримиз конференция ташкилот комитетининг ранси, СССР Фанлар академияси синтетик полимер материаллари институти директори, академик, Ленин мукофоти лауреати Н. С. Енколоповга мурожаат қилиб, полимер композицион материалларнинг мақсади ва вазифалари, халқ хўжалигидаги истиқболи ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўради:

— Полимер композицион материаллар энг ёш, лекин барқ уриб ривожланаётган саноат соҳасига мансубдир. Агарда металлургиянинг ёши юзлаб йил ҳисобланаётган бўлса, композицион материалларнинг ёши эса бор-йўғи 20—25 йил. Шуни айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда полимер материалларнинг барча имкониятлари тўғрисида дадил айта олмасак ҳам, лекин бир нарса равшандир: улар ўзининг таркибига кўра жаҳонда ўзига хос нодир ҳисобланади. Улар чидамли, қаттиқ, умумий қўл келадиган хусусияти билан ажралиб туради. Бизнинг мақсадимиз мамлакатимизнинг ҳар бир илмий муассасасида эришилган ютуқлар тўғрисида бир-биримизга ҳикоя қилиб бериш, тажрибалар алмашиш, келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш бўлди. Бу вазифалар эса ғоятда каттадир. Уларни ҳал этиш жуда катта фаолликни тақозо этади. Бутуниттифоқ биринчи ва иккинчи конференциялар ўртасидаги танаффусда халқ хўжалигида кенг қўлланиладиган янги навли композицион материаллар яратилди.

— Николай Сергеевич, ўзбек олимларининг полимер композицион материаллар соҳасидаги ютуқлари тўғрисида сизнинг фикрингизни ҳам эшитишни хоҳлар эдик.

— Шу нарсани қувонч билан айтиб ўтиш лозимки, Совет Иттифоқида саноат қўламида биринчи марта Жиззахда Ўзбекистон электр иссиқлик станцияларида ҳосил бўладиган чиқиндилар аралаштирилган поливинилхлоридли ва полиэтиленли қувурлар ишлаб чиқарила бошланди. «Ўзбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг олимлари ана шу чиқиндиларни аралашмалар тарзида ишлатиб, бир томондан қимматбаҳоли полимерларни тежаб қолиш (бир тонна полимер қўплаб юз сўм туришини, бир тонна чиқинди — бор-йўғи 3 сўм 40 тийин эканлигини айтиб ўтиш кифоя), иккинчи томондан эса қувурларни тайёрлашнинг сифатини кескин яхшилашнинг уддасидан чиқдилар. Бу катта ютуқ.

Эндиликда Ўзбекистонда композицион полимер материаллар соҳасида ғоятда муваффақият билан иш олиб бораётган икки катта коллектив юзага келди. Бу Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия фанлари доктори С. Ш. Рашидова раҳбарлик қилаётган полимерлар химияси ва физикаси институти ҳамда А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институтида техника фанлари доктори С. С. Неъматов раҳбарлигида ана шу проблема билан шуғулланаётган ёш олимлар группаси фаолияти диққатга лойиқдир. Ана шу ёш олимларнинг композицион полимер материаллар соҳасидаги илмий иши учун ўтган йили Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди. Республиканинг бошқа илмий масканларида ҳам ана шу проблема билан кенг шуғулланиш авж олиб боряпти.

Конференцияда тингланган чуқур ва мазмунли докладлар фаннинг бу соҳада эришган шубҳасиз ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилади, белгиланаётган янги йўналишлар тўғрисида ғуноҳлик беради.

Конференция ишини ниҳоясига етказди. Лекин орадан бир неча кун ўтиши билан Совет Иттифоқи ва ГФР олимлари иштирокида полимерлар химияси бўйича симпозиум ҳам очилади. Бу симпозиум Тошкент шаҳрида бежиз чақирилаётгани йўқ. Ўзбек олимлари полимерлар химияси соҳасида катта ютуқларга эришганлар. Бу совет олимларининг янги илмий тадқиқотларини кенг қўламда тақдим этиш имконини беради.

«Ўзбекпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-фирмали магазинида пластмассадан ишланган халқ истеъмоли товарларининг Бутуниттифоқ савдо-кўргазмаси очилди.

СУРАТДА: савдо-кўргазма залида. Р. Нуриддинов фотоси. (ЎзТАГ).

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

30 СЕНТЯБРЬ, 1983 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, А. Эгамназаров, А. Абдураззоқов лар пойтахт областидан хабар қиладилар.

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН

Алекс Ла ГУМА,

Осиё ва Африка ёзувчилари Ассоциацияси бош секретари, Халқаро «Нилуфар» мукофоти лауреати.

Тошкент Осиё ва Африка ёзувчилари бирдамлиги ҳаракати тарихига номи олтин ҳарфлар билан ёзилган шаҳар. Бугун бу ерда Осиё ва Африканинг сўз усталари — конференция қатнашчилари, кўплаб мамлакатларнинг меҳмонлари яна учрашиб турибдилар.

Осиё ва Африка ёзувчилари VII конференциясининг барча қатнашчилари номидан бу ёзувчилар анжумани бизнинг ҳаракатимизни янада ривожлантириш, унинг аъзолари жипслигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди, тинчлик иши ва халқлар тараққиётини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшади, десам янглишмаган бўламан.

Бугун инсониятнинг тинчликни мустаҳкамлаш ишидан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ. Ер юзида тинчлик масаласи замонамизнинг асосий проблемасидир. Агар конференциямизнинг моҳиятини бир сўз билан ифодалашга ҳаракат қилсак, бу сўз яна «Тинчлик» сўзи бўлган бўлур эди.

Бу сўз Осиё ва Африка ёзувчилари бирдамлиги ҳаракатининг бутун моҳиятини англатади.

Мен ҳозир чорак асрлик фаолиятимизга якун чиқариб, уни баҳолаб ва хулосалаб ўтирмайман. Бу менинг конференциядаги докладимда баён этилади. Аммо фаолиятимизда тинчлик ишига қанчалик катта аҳамият берилаётганлиги, Осиё ва Африка ёзувчилари Ассоциациясининг обрў-эътиборини шу муҳим фактдан ҳам билиш мумкинки, Тошкентда ўтадиган VII юбилей конференциямизга 60 мамлакатдан юздан кўпроқ делегат, амалда жаҳоннинг барча бурчакларидан кўп сонли меҳмонлар келишди.

Мен бу галги учрашувимиз Тошкентда ўтаётганлигидан хурсандлигимни мамнуният билан қайд этмоқчиман. Бу ерда бундан чорак аср муқаддам Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи конференцияси ўтганлиги, Совет Ўзбекистони пойтахти бутун жаҳонда тинчлик ва дўстлик шаҳри сифатида машҳур эканлиги учунгина эмас, «Тошкент руҳи» сўзи турли миллатдаги кишилар учун қардошлик рамзига, самарали амалий ҳамкорлик рамзига айланганлиги учун ҳам хурсандман.

Бу галги конференциямизнинг кўпгина қатнашчилари Тошкентда илгари ҳам бўлишган, ўзбеклар юртида бўлиб ўтган турли ёзувчилар анжуманлари ва учрашувларида иштирок этишган. Аммо конференциянинг кўпгина иштирокчилари бу ерга биринчи марта келишди.

Мен шунга аминманки, улар Ўзбекистон пойтахтининг сахий қуёши тафтини, дўстлар меҳрини умр бўйи эслаб юрадилар.

Мен Тошкентни жуда севаман. Советлар мамлакати халқларининг дўстлиги туфайли янгидан туғилган Ўзбекистон пойтахти бугун Шарқдаги энг тараққийпарвар ва энг замонавий шаҳарлардан бирига айланди. Бу замонавийлик шаҳарнинг меъморчилигидагина эмас, шаҳарнинг ҳаёт тарзида, коммуникацияларнинг кенг ривожланганлигида, жаҳоннинг кўпгина бошқа шаҳарлари билан самарали амалий ҳамкорлик йўлга қўйилганлигида ҳам акс этган.

Шу билан бирга Тошкентда анъанавий шарқ меъморчилиги янги қурилишларнинг бугунги қиёфаси билан ажойиб бир тарзда уйғунлашган. Тошкент улкан замонавий шаҳарлар, уйғун ва чуқур ўйланган ҳолда ривожланиши мумкинлигининг ёрқин намунаси ҳамдир.

Бир сўз билан айтганда Совет Ўзбекистон пойтахти Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII юбилей конференцияси каби улкан анжуманларни ўтказишга ҳар жиҳатдан муносибдир. Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистон пойтахти икки қитъа ёзувчилари бирдамлигига, жаҳонда тинчлик ва тараққиётни мустаҳкамлашга яна бир улкан ҳисса қўшади.

We hope that Tashkent goes on for many more centuries in peace and with prosperity —

Тошкент узоқ асрлар давомида тинчлик ва равнақ шаҳри бўлиб қолишига ишонамиз.

Алекс Ла ГУМА.

АНЖУМАН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Адабиёт қудратли қуролдир. У одамларнинг қалби ва онгида катта ўзгаришлар қилишга, халқни эрк учун курашга отлантиришга, улкан бунёдкорликларга сафарбар этишга қодирдир. Осиё ва Африкадаги кўпгина адабиётлар ана шу олижаноб вазифани муваффақиятли адо этмоқдалар.

Икки қитъа адибларининг VII конференцияси қатнашчилари шу кунларда шаҳримиз меҳнаткашлари билан учрашмоқдалар, корхона ва муассасаларда меҳмон бўлмоқдалар, пахта далаларига сафар қилиб, катта хирмон учун бораётган қизғин кураш билан яқиндан танишмоқдалар.

Суратларда: атоқли совет адиблари ўзларининг чет эллик ҳамкасблари билан суҳбат чоғида (юқорида); конференцияда иштирок этаётган африкалик адиблар; Навоий номидаги театр биносида очилган китоб кўргазмаси залида.

М. Нуриддинов ва М. Исломов фотолари.

НОЙРОМДЫН БОЯР!

Сўз — Ўзбекистон ССРда Монголия Халқ Республикаси Кунлари қатнашчиларига

Масофамиз узоқ, қалбимиз яқин

Темургейн НАМЖАМ,

Монголия Халқ Республикаси Давлат план комитети ва Фанлар академияси экономика институтининг директори, иқтисод фанлари доктори.

— Серқуёш Совет Ўзбекистонида Монголия Халқ Республикасининг Кунлари ажойиб сана — Совет — Монгол дўстлиги жамиятининг 25 йиллиги ва Ўзбекистон бўлимининг 10 йиллигида ўтказилмоқда. Ана шу давр ичида биз бир-биримиз билан янада яқинроқ танишишга, янги социалистик жамиятни барпо этиш ишида ўзимиз учун керакли бўладиган кўпгина муҳим вазифаларни белгилаб олишга улгурдик. Бугунги кунда монгол чорвадорларининг фарзандлари ўзининг онадиёрида, Совет Иттифоқида, шу жумладан Тошкентнинг олий ўқув юртлари ва техникумларида таълим олишмоқда. Улар тўқимачилик, врачлик, зоотехниклик, маданий оқартув ишлари ихтисослигини эгаллашмоқда. Бир сўз билан айтганда бу касблар биз учун жуда ҳам зарур ва керакли дир. Ўтмишда ана шундай касбларнинг номини ҳеч ким бизнинг диёрда эшитмаган эди.

Бундан 60 йилдан зиёд вақт илгари Монголияда олимлар илмий комитетда иш олиб боришга қодир эдилар. Шундан кейин бу ташкилот Монголия Халқ Республикасининг фанлар комитети деб атала бошлади, 22 йилдан буён эса Фанлар академияси деб номланиб келмоқда. Унинг 3 та бўлими ихтиёрида илмий-тадқиқот институтлари бўлиб, шулардан бирига мен раҳбарлик қиламан. СССР Фанлар академиясининг олимлари ва мутахассислари билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз фанларнинг жуда кўп соҳалари, шу жумладан экономика борасида тадқиқот ишларини олиб боришда жуда қўл келяпти. МХРда халқ ҳокимияти йилларида замонавий индустрия яратилди ва у ривожланмоқда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам катта ўзгаришлар бўляпти.

Олим ва мутахассис сифатида менинг ўзбек ҳамкасбларим билан учрашувларим фойдали ва қизиқарлидир. Улардан ўрганса арзийдиган тажрибалар бор. Тошкент чиндан ҳам фан шаҳри экан.

Янги учрашувлар, янги дўстлар

С. СУГЛЭГМАА,

Монголия Давлат филармонияси ашула ва рақс ансамблининг солисти, Монголия Халқ Республикасида хизмат кўрсатган артист.

— Мен 1979 йилда Тошкентда бўлиш шарафига муяссар бўлганман. МХР санъат усталари билан сизнинг гўзал шаҳрингизда гастрол ўтказган эдик. Қўшиқ ва рақсни ҳамиша севадиган Шарқнинг қадимий гўзал шаҳридаги ўша учрашув оларни ҳамон эслайман.

Мен монгол халқининг қадимий қўшиқларини тинглайман. Халқимиз халқ оғзаки ижодиётининг анъаналарига бойдир. Масалан, халқимизда рангбаранг эпослар, эртаклар, мақоллар, маталлар, қасидалар, гимнлар бор. Монгол халқ музикаси ғоятда рангбаранг. У томошабиннинг қалбига етиб бора оладиган мусиқий оҳангдадир. Қўшиқларни якка ижрочининг айтиши одат бўлиб қолган. Шахсан ўзим меҳнат ҳақидаги қўшиқларни куйлайман.

Монголларнинг ҳамиша таянчи ва ишончли дўсти— учқур отлардир. Шунинг учун ҳам бўлса керак, бундай саман отлар ҳақидаги қўшиқлар авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Ахир бепоён саҳрода инсоннинг ягона дўсти қўшиқ ва от бўлади. Сизнинг диёрингизда ажойиб халқингиз тўғрисида айтиладиган оромбахш қўшиқларни ижро этадиган халқ ҳаваскорлик коллективлари борлиги мени қувонтирди.

Тошкент шаҳри ажойиб маданиятга етишган шаҳар. Унинг кўчалари ва кишилари билан қизиқиб танишмоқдаман. Янги дўстлар билан учрашиш кишига бир олам яхши кайфият ва илҳом беради. Бу қўшиқ ва рақсларни монгол радиоси ва телевидениеси орқали ҳам кўрган эдик. Монгол халқи Совет Иттифоқи ва унинг Ўзбекистон Республикаси билан қалин дўстлик алоқаларини ўрнатганлиги билан фахрланади. Бу дўстлик бахтли ҳаёт йўлини нурафшон этиб турибди

Гурбакхш СИНГХ,

прогрессив ҳинд ёзувчиси

ҲИЖРОН

ҲИКОЯ

—1—

Оқшом пайти, денгиз соҳилида икки йигит суҳбатлашиб юришар эди. Уларнинг бири ҳарбий кийимда, иккинчиси эса оддий кийинганди. Денгиз тўлқинлари гоҳ шовуллаб соҳилга урилар, суҳбатдошларнинг оёқларига сув сачратар, гоҳ оҳиста орқага қайтар эди. Бир пайт чап томондан аёл овози эшитилди:

— Билмайсизларми, бугун ҳеч қанақа пароход келмасмикин!

— Билмадим Рами, хабарим йўқ...— жавоб қилди оддий кийинган йигит [уни Бару деб аташарди]. Аёл ўгирилиб кета бошлади. Ҳарбийча кийинган йигит унинг кетидан ҳайрон бўлганча қараб қолди.

— Нега бунча қараб қолдинг!— сўради ундан Бару.— Бу Рамику, Рангунинг қизи.

— Уйдан кетганимга тўрт йил бўлди. Қара, кап-катта қиз бўлиб қолибди-я!

— Ҳа, у турмушгаям чиқди. Ярим йил ўтмасдан бечоранинг эри Чандуни фронтга юборишди. Шу бўйи ундан дом-дарак йўқ.

— Нима, Рами бугун эринг келади, деган хабар олганми!

— Қаёқда дейсан! У ҳар куни соҳилга келиб, дуч келган одамдан, бугун пароход келадими, деб сўрайди. Пайқадингми кўзлари ғалатилигини, худди тентакдай.

Уйидан соҳилгача икки чақиримча келарди. У соҳилга кета туриб йўл-йўлакай очилиб турган гулдан узиб олиб, сочига қадарди. Соҳилда ҳаммолдан тортиб бошлиқларгача — ҳамма уни яхши билар, ҳурмат қиларди.

— Пароход келадими, амаки!— сўради Рами регистратордан бу гал ҳам.

— Албатта келади,—жавоб қилди у ручкасини столга қўйиб.

—2—

— Солдатларни олиб келадими ёки бошқа пароходми, амаки!

— Солдатларни, Рами.

Бу гапни эшитиб, Рамининг чеҳраси ёришиб кетди. Сўнг у бир четга ўтиб, қўлини соябон қилганча узоқ-узоқларга тикилди. Узоқда, маёқдан нарида, денгиз билан осмон туташиб кетган жойда нимадир қорайиб кўринди. У бу қорайиб кўринган нарса аста-секин каттайиб, пароходга айланишини ва соҳилга келиб тўхташини биларди. Шунда пароходдагилар қўл силкитишади. Атроф қувончли товушларга тўлиб кетади.

Рами шу ҳолатни кўз олдига келтирраркан, сочидаги гулни олди-да, баргларини тўгрилаб, авайлаб, қайтадан яна сочига қадади.

Мана, пароход соҳилга келиб тўхтади. Аммо унда эри кўринмасди. Рами ҳамон умидвор эди. «Эҳтимол у орқароқда тургандир, у ўзи шунақа тортинчқ, олдинга ўтишниям билмайди», деб ўзини овутарди у. Ниҳоят унинг олдидан энг охирги солдат ўтиб кетаётганида эса хаёлига: «Балки Чанду ярадор бўлиб қолгандир, уни энди олиб чиқишар...» деган фикр келди. Бироқ пароходдан бошқа ҳеч ким тушмади. Рамининг юраги зирқираб кетди. У оҳиста орқасига ўгирилиб, сочидаги гулни олиб ерга ташлади-ю, уйига равона бўлди.

Онаси унинг аҳволини кўриб, бошини чайқади: Рами умид қилмаса ҳам бўлади. Негаки, бундан беш ой илгари эри ҳақида «бедарак йўқолди» деган мудҳиш қоғоз келган эди-да. Онаси анча ёшга борган, кўпни кўрган аёл эди. «Бедарак йўқолди» деган қоғоздан сўнг одамларнинг қайтиб келмаслигини у яхши биларди.

—3—

Шундай бўлса ҳам у ҳар гал қизи портдан қайтиб келганида кўз ёшларини ғилтиллатиб:

— Нима, бу гал ҳам келмадими! Ҳеч қиси йўқ, бу гал кемаса келаси гал албатта келади,— деб қизига тасалли берарди.

— Ҳа, ҳа... ҳафтанинг охирида яна битта пароход келади, дейишди.

Аммо у эртасига яна соҳилга бориб:

— Билмайсизми, бугун биронта пароход келмасмикин! — деб сўради.

Шу аҳволда орадан олти йил ўтди. Кунига икки маротаба—хоҳ ёмғирли кунлар бўлсин, хоҳ жазирама кунлар бўлсин — барибир Рами уй юмушларини ташлаб, соҳилга чопар эди. Тўғри, у энди эрининг келишига кўзи етмаса ҳам соҳилга бориб пароход кутиш одатини қўймасди. Ўзи ҳам ўзгариб, озиб-тўзиб кетди. Лекин у ҳали ҳам сочига гул қадар, ораста кийинарди. Регистраторнинг: «Ҳа, ҳа, пароход албатта келади», деган жавобига бефарқ қарайдиган бўлиб қолганди.

Қишлоқдагилар эса Чандудан аллақачон умидларини узишган: «Энди у қайтиб келмайди... Барунинг Чандудан қаери кам! Бу ҳам ёш, кучли йигит. Ахир икки йилдан бери у Рамини соҳилда кутиб олади-я» дейишарди.

Ҳамқишлоқлари Рамини бахтиёр қилишга интилишар, бироқ Рами Баруга ўша одатий саволидан ўзга бирор сўз айтмасди. Бару бўлса у билан яқинлашишни дил-дилидан истар, бироқ унинг ҳаракатлари, гаплари сира ҳам қовушмас эди.

* * *

— Билмайсизми, бугун биронта пароход келмасмикин!— Рамининг бу саволида илгаригидай ҳаяжон бўлмаса-да, ўзига гапирганн учун Бару ундан жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Менга қара, Рами,— деди у, —бугун портга асир тушган солдатлар келади дейишди. Германиядан келаётганмиш.

Мана, Рами оппоқ кийимда, сочига гул қадаб соҳилда турибди. Узоқ-узоқларга тикилади. Қорайиб кўринган кичкина нуқта аста-секин катталашади, сўнг пароходга айланади. Бу гал у ёлғиз эмас, ёнида Бару турар эди.

* * *

Соҳилга келиб тўхтаган бу пароход бошқачароқ эди: бу пароходда қайтиб келганларнинг уйларида аллақачон аза очилган эди. Улар тепадан туриб қўл силкишар, пастда турганлар эса уларга ҳаяжон билан тикилиб қарашар, бироз: «Вой худойим-эй, анави менинг ўғлимку!!» деса, бошқа бировлар: «Қаранглар, анави менинг акам!», «Вой худо, анави менинг эримку!»— деб бақириб-чақиришар, йиғлашар эди.

Рами пароходда турганларга олазарак боқарди. Бару ҳам ҳар битта солдатга тикилиб қарарди. У Чандуни яхши билар, бир маҳаллар у билан балиқ овига боришганди. Ниҳоят уларнинг ёнидан охирги солдат ўтди.

Пароходда турган бир матрос Рами билан Баруга бир неча бор ачиниб қараб қўйди. Буни Бару сезди-да, аста унинг олдига борди.

— Нима, кутаётганларинг келмадими! —сўради матрос.

— Йўқ... пароходда бошқа ҳеч ким қолмадими!

— Эллликта мажруҳдан бошқа ҳеч ким қолмади ҳисоб.

Бару индамади. У матросга термилганича миқ этмай турарди. Матрос уни тушунди.

—4—

Шундай бўлса ҳам у ҳар гал қизи портдан қайтиб келганида кўз ёшларини ғилтиллатиб:

— Нима, бу гал ҳам келмадими! Ҳеч қиси йўқ, бу гал кемаса келаси гал албатта келади,— деб қизига тасалли берарди.

— Ҳа, ҳа... ҳафтанинг охирида яна битта пароход келади, дейишди.

Аммо у эртасига яна соҳилга бориб:

— Билмайсизми, бугун биронта пароход келмасмикин! — деб сўради.

Шу аҳволда орадан олти йил ўтди. Кунига икки маротаба—хоҳ ёмғирли кунлар бўлсин, хоҳ жазирама кунлар бўлсин — барибир Рами уй юмушларини ташлаб, соҳилга чопар эди. Тўғри, у энди эрининг келишига кўзи етмаса ҳам соҳилга бориб пароход кутиш одатини қўймасди. Ўзи ҳам ўзгариб, озиб-тўзиб кетди. Лекин у ҳали ҳам сочига гул қадар, ораста кийинарди. Регистраторнинг: «Ҳа, ҳа, пароход албатта келади», деган жавобига бефарқ қарайдиган бўлиб қолганди.

Қишлоқдагилар эса Чандудан аллақачон умидларини узишган: «Энди у қайтиб келмайди... Барунинг Чандудан қаери кам! Бу ҳам ёш, кучли йигит. Ахир икки йилдан бери у Рамини соҳилда кутиб олади-я» дейишарди.

Ҳамқишлоқлари Рамини бахтиёр қилишга интилишар, бироқ Рами Баруга ўша одатий саволидан ўзга бирор сўз айтмасди. Бару бўлса у билан яқинлашишни дил-дилидан истар, бироқ унинг ҳаракатлари, гаплари сира ҳам қовушмас эди.

* * *

— Билмайсизми, бугун биронта пароход келмасмикин!— Рамининг бу саволида илгаригидай ҳаяжон бўлмаса-да, ўзига гапирганн учун Бару ундан жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Менга қара, Рами,— деди у, —бугун портга асир тушган солдатлар келади дейишди. Германиядан келаётганмиш.

Мана, Рами оппоқ кийимда, сочига гул қадаб соҳилда турибди. Узоқ-узоқларга тикилади. Қорайиб кўринган кичкина нуқта аста-секин катталашади, сўнг пароходга айланади. Бу гал у ёлғиз эмас, ёнида Бару турар эди.

* * *

Соҳилга келиб тўхтаган бу пароход бошқачароқ эди: бу пароходда қайтиб келганларнинг уйларида аллақачон аза очилган эди. Улар тепадан туриб қўл силкишар, пастда турганлар эса уларга ҳаяжон билан тикилиб қарашар, бироз: «Вой худойим-эй, анави менинг ўғлимку!!» деса, бошқа бировлар: «Қаранглар, анави менинг акам!», «Вой худо, анави менинг эримку!»— деб бақириб-чақиришар, йиғлашар эди.

Рами пароходда турганларга олазарак боқарди. Бару ҳам ҳар битта солдатга тикилиб қарарди. У Чандуни яхши билар, бир маҳаллар у билан балиқ овига боришганди. Ниҳоят уларнинг ёнидан охирги солдат ўтди.

Пароходда турган бир матрос Рами билан Баруга бир неча бор ачиниб қараб қўйди. Буни Бару сезди-да, аста унинг олдига борди.

— Нима, кутаётганларинг келмадими! —сўради матрос.

— Йўқ... пароходда бошқа ҳеч ким қолмадими!

— Эллликта мажруҳдан бошқа ҳеч ким қолмади ҳисоб.

Бару индамади. У матросга термилганича миқ этмай турарди. Матрос уни тушунди.

—5—

— Жаноби дўхтир билан яхшимиз,—деди у.— Анави қиз сиглингизми!

— Йўқ, шунчаки танишим. У покиза, вафодор аёл. Олти йилдирки эрини кутади бечора. Эри биринчи чақириқдаёқ ҳарбийга кетган, шундан бери дом-дарак йўқ.

Матрос ичкарига кириб, доктор билан гаплашиб, рухсат олиб чиқдида, Рами билан Баруни каютага бошлади. Каттакон кенг хонадаги каравотларда фронтда яраланиб мажруҳ бўлган одамлар ётишарди. Матрос уларни ҳар бир каравот олдига олиб бориб кўрсатарди. Рами оҳиста юрар, тўхтамас, фақат баъзан каравот тепасига бориб, энгашиб қарар эди.

— Ҳамшира, илтимос, мени ўтқазиб қўйинг!— деди кимдир тўсатдан.

— Ҳамшира, мени ётқизинг!

Ҳамшира унинг олдига чопиб келганида мажруғ аллақачон ётган, юзларини чойшаб билан ёпиб олган эди.

Ҳамшира кетгач, Рамилар унинг каравоти бошига келиб тўхташди. Матрос ярадордан бир зумга юзини очишини илтимос қилди.

— Мени тинч қўйинглар, мазам қочиб турибди,— деб жавоб қилди ярадор.

Унинг товуши хириллаб чиқди. Шундай бўлса ҳам бу овозни эшитиб, Рами титраб кетди. Бару билан матрос унинг исмини билиш, дардини енгиллатишни сўраш учун ҳамширанинг ёнига кетишди.

— Ҳозир бораман,— деб жавоб қилди уларга ҳамшира, — у кичик сержант Лаъл. Менинг энг интизомли ярадорим.

Бу маҳалда Рами ярадордан юзини очишини қаттиқ туриб илтимос қилар, ярадор эса унинг илтимосини қатъиян рад этарди. Рами унинг фамилиясини эшитиб жимиб қолди.

—6—

— Менга қаранг, Лаъл,— деди унинг олдига келган ҳамшира, бунча ўжарлик қилмасангиз, балки булар қариндошларингиздир!

— Йўқ, йўқ, мен сира ҳам улар излаб юрган одам эмасман. Улар излаб юрган одамни яхши биламан. У аллақачон оламдан ўтган. Унинг ўлганини ўз кўзим билан кўрганман.

Рами турган жой силкиниб кетгандай бўлди. Бош айланиб кетди. Агар ҳамшира ушлаб қолмаганида у гандираклаб йиқилиб тушган бўларди.

— Ёлвориб сўрайман сиздан ҳамшира, Чандуимни кўрган одамнинг юзини очинг, бир кўрай.

— Сержант Лаъл мен сизни таниёлмай қолдим. Эшитяпсизми менинг гапларимни. Буюраман: очинг юзингизни.

— Буйруғингизга бўйсунишга мажбурман. Аммо мен журъат қилолмаяпман, ўзингиз очақолинг.

Ҳамшира унинг юзини аста очди. Рами ярадорнинг юзига тикилиб қарар, унинг бир кўзи ўпирилиб ётар, бир кўли тирсагидан йўқ эди. Унинг Чандуси шунақа бўлиши мумкинмиди! Ахир у қишлоқда энг бақувват, келишган, ҳамма ҳавас қиладиган йигит эди-ку. Эҳ, у ўзининг жасур, паҳлавон Чандуси билан қандай фахрланар эди-я! Шу маҳал у Чандунинг соғ пайтдаги кўзларини, қўлларини тасаввур қилди. Рами ўзидан ўзи нафратланиб кетди. Бу бахтсиз, мажруҳ одамга юзингни оч деб туриб олганини қара-я! Ундан дарҳол кечирим сўраш керак. Рами ҳозир унга тасалли берадиган, овутадиган сўз қидирарди. Ярадор эса уни кетди деб ўйлаб кўзини очди.

—7—

Уларнинг кўзлари тўқнашди. Рами қаттиқ чинқириб ўзини Чандунинг устига отди. Юзларини юзларига суйкади, унинг яраланган баданларини қучди.

— Йўқ, Рами, ундай қилма, мени тинч қўй. Сенинг Чандуинг аллақачон ўлган... Мана, Бару келишган йигит, яхши одам. Агар сен... мен бахтиёр бўламан...

Рами аста ўрнидан турди. Чанду ётган каравотнинг оёқ томонига ўтди-да, алам ва изтироб билан аста тиз чўкди...

* * *

Кичик сержант Чанду Лаълни тез орада пиёдалар госпиталига ўтказишди. У оғир аҳволда эди, унга қон қуйиш лозим эди. Рами: «Менинг қонимдан олиб қуйинглар», деб туриб олди. Докторлар қонини анализ қилиб кўришгач, унинг илтимосига кўнишди. Бундан ташқари Рами Чандунинг аҳволидан куну-тун хабар олиб туриш учун рухсатнома ҳам олган эди...

* * *

Орадан икки йил ўтди. Соҳилда икки киши баркашдай қуёшнинг қизариб, тўлқинларни қон рангига бўяб ботишини томоша қилиб туришарди. Эркакнинг бир қўли йўқ, енги бўш осилиб турибди. Аёл эса қизчасини кўтариб олган, иккковлари фарзандларини галма-галдан суйишар, эркалатишарди. Бола эса қиқир-қиқир кулардi. Уларнинг оёқлари остида денгиз тўлқинлари ўйнарди.

— Бахтиёр дамларимда бебахт кунларимни эслаяпман,— деб жавоб қилди аёл.

— Бебахт кунларим деганинг нимаси!

— Сиз аввал бахтиёр дамларимни сўранг.

— Яхши, қани айт-чи, бахтиёр дамларинг нималардан иборат!

— Бу шундан иборатки, энди эримни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди.

— Нега энди!

—8—

— Душман ўқи ҳамма оладиганини олиб бўлди...

Шу пайт қизча йиғлаб қолди.

— Болажоним отасига бормоқчи шекилли,— деди аёл.

Эркак соғ қўли билан қизчасини олиб, бағрига босди. Аёл уларга қараб деди:

— Мен сенинг жонингдаман Чанду, эшитяпсанми! Чунки сенинг томирингда менинг қоним жўш уряпти. Энди сени мендан ҳеч ким ажрата олмайди.

— Албатта, яна уруш қилишни ўйлаётганларга сенинг мажруҳ эринг нимага ҳам керак бўларди. Аммо қишлоғимизга бомба ташлашса, қандай ушлаб қола оласан!

— Билмадим... Энди мен сендан ҳеч ким ажрамайман. Пешонамизда нима бўлса шуни бирга кўрамиз.

Чандунинг чеҳраси ёришиб кетди. У хотинига меҳр билан боқиб деди:

— Бахтлиман деб туриб нега энди бебахтликдан гапиряпсан!

Рами бир нафас жиддий тортиб, бепоён денгиз уфқига тикилганича хўрсиниб деди:

— Йиллар ўтиб қизалоғимиз ўсар, улғаяр, шунда у мана шу соҳилга келиб, эртаю кеч пароход кутиб, кўзлари нигорон бўлмасин. Асло ғам-андуҳ чекмасин.

Уфқдаги қора булутлар орасидан қуёш бир зум кўриниб, теварак-атрофни ёритиб юборди. Рамининг порлаган кўзларида ёш ғилтиллаб турар эди...

Муборак ФОЗИЛОВА таржимаси.

САМО СИРЛАРИ

Юлдузлар жамолида— олам камоли

Тунда самони тўлдириб чарақлаган юлдузларга тўйиб-тўйиб боқмаган, ундан завқланмаган ким бор дейсиз? Илҳом ва завқ манбаи — юлдузлар оламининг сири билан инсон жуда қадимдан қизиқиб келади. Осмон жисмларининг физик табиатларини ўрганиш, айниқса космик тадқиқотларнинг ривожланаётганлиги муносабати билан халқ хўжалиги астрономиянинг олдига талай янги вазифаларни қўймоқда.

Охирги ўн йилларда бизга маълум осмон жисмлари ёнига бир талай янги топилган объектлар — радиогалактикалар, нейтрон юлдузлар (пульсарлар), квазарлар, рентген ва гамма каби радиоактив нурларда равшан нурланувчи манбаълар кўшилди. Тасаввур қилинг-а, портловчи юлдузларнинг бир-икки секунд давомида чиқарган энергияси, миллиардлаб атом бомбасининг шундай вақт ичида портлашидан ажралган энергиясига тенг бўлади. Бошқача айтганда, бир неча ой давом этган бундай портлаш пайтида юлдузнинг чиқарган энергиясини Қуёш бир неча минг йилдагина чиқара олади. (Қуёш бир секундда 12 минг триллион тонна кўмирни ёқканда ажраладиган энергиянинг миқдорига тенг энергия чиқаради).

Бир вақтлар кўзгалмас деб ҳисобланган юлдузларнинг бир неча ўн йил оралатиб олинган фотосрасмларининг анализи, улар тинимсиз ҳаракатда бўлиб, интенсив энергия алмашинуви жараёнини «бошларидан кечираётганликларидан» далолат беради. Шунингдек, охирги ўн йиллар ичида осмон ёритгичларининг электромагнит тўлқинлари шкаласининг янги — радиодиапазонида кузатиш методи шакланиб, у астрономияга бир неча янги объектларни совға қилди ва уларнинг физик табиатларини очишда қал қилувчи роль ўйнади.

Худди шундай объектларга мисол қилиб, 60-йилларда топилган квазарлар ва пульсарларни келтириш мумкин. Кўринишидан хира бир юлдузни эслатувчи квазарлар, аслида Галактикамизга ҳеч алоқаси бўлмаган ва биздан миллиардлаб ёруғлик йили (ёруғлик йили — астрономияда узунлик ўлчовининг асосий бирлиги бўлиб, тезлиги секундига 300 минг километр бўлган ёруғликнинг бир йилда ўтган йўлига, яъни қариб 10 минг миллиард километрга тенг) масофада ётади.

Коинотнинг тузилиши ҳам илм аҳлини қадимдан қизиқтириб келади. Илмий-техникавий революция асримизнинг охирги ўн йилликлари ичида астрономик асбобсозлик ва кузатиш техникасини такомиллаштиришга имкон бериб, самонинг энг чекка «ўлкаларини» забт этишга шароит яратди. Хусусан, асримизнинг бошида планетамизда энг йирик ҳисобланган Иеркс (АҚШ) обсерваторияси телескопи объектив линзасининг диаметри атиги бир метргина эди, холос. Фақат асримизнинг 40-йилларидан бошлаб техник тараққиёт ўз «кучини» кўрсата бошлади. Натижада дастлаб диаметри икки ярим метрли, кейин эса 4 метрли телескоп кўзгусини ясашга имкон берди. Айни пайтда АҚШда кўзгусининг диаметри 5 метрли (Паламар тоғида), Совет Иттифоқида эса 6 метрли (Шимолий Кавказда) дунёда энг қуватли телескоплар ишга туширилди. СССР Фанлар Академиясининг азмутал қурулмали катта телескопи (БТА АН СССР) номи билан юритилувчи бу телескопнинг олти метрли кўзгусининг оғирлиги 42 тонна бўлиб, унинг учун қурилган «уй» — минорининг баландлиги 12 қаватли бино баландлигидек келади. Планетамизнинг энг «ўткир кўзи» ҳисобланган бундай телескоп кўзгуси ёрдамида 25 минг километр нарида ёндирилган гугурт чўпини бемалол кўриш мумкин.

Радиотелескопларнинг пайдо бўлиши самонинг кўриш чегараларини янада кенгайтиришга имкон берди. Хусусан, 1974 йилда АҚШда Пэрто-Рико оролидаги сўнган вулқон кратерига ўрнатилган ва антеннасининг кўриниши коса шаклида бўлган радиотелекскопнинг диаметри 300 метр, 1976 йили Шимолий Кавказда ишга туширилган Совет Иттифоқи йирик радиотелескопининг диаметри эса 600 метр бўлиб, бундай телескоплар ёрдамида оптик телескопларга нисбатан қариб икки баравар узоқдаги масофани «кўриш» мумкин. Биноборин, ҳозир астрономлар радиуси 10 миллиард километрли сфера ичидаги ҳодисаларни кузатиш имконига эгадирлар.

Шубҳасиз, бундай улкан кенгликдаги сфера ичида кузатиладиган объектлар коинотнинг тузилиши ва ривожланишига тегишли айрим илмий хулосаларни чиқариш учун етарли. Жумладан, бундай сферада кузатиладиган осмон жисмлари ичида кенг тарқалган объектлар — галактикалар бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум марказ атрофида айланувчи ва ўртача юз миллиардга яқин ўзаро динамик боғланган юлдузлардан иборат коинот бўшлиғи океанининг «оролари» ҳисобланади. Бундай юлдузлар «орол»ларнинг бири ўз ичига атрофида планетамиз айланадиган буюк юлдузимиз — Қуёшни олади ва бу, бизнинг Галактикамиз деб юритилади.

Осмонда кўз илғайдиган барча юлдузлар ўзимизнинг Галактикамизга тегишли бўлиб, қўшни галактикаларнинг юлдузлари алоҳида-алоҳида кўринмайди, бундай қўшни юлдузларнинг «орол»ларга тўпланиб шаклида кўзга ташланади. Қўшни шундай галактикалар ичида энг яқинларидан бири Андромеда туманлиги бўлиб, Галактикамиздан қариб икки миллион ёруғлик йили масофада ётади.

Шуниси қизиқарлики, ташқи галактикалар спектрларини ўрганиш натижасида улар вақт ўтиши билан бир-бирларидан узоқлашаётганликлари маълум бўлди. Коинот ўзининг миллиардлаб йилларга чўзилган эволюциясининг ҳозирги даврида кенгайишни «бошидан кечираётганлик»га гувоҳлик беради. Космологик проблеманинг объекти бўлган бундай назарияга тегишли айрим ечимлардан маълум бўлишича, коинотнинг аниқланган ҳозирги кенгайиши, унинг зичлиги маълум қийматга эришгач (бундай зичлик фанда критик зичлик дейилади), қайтадан қисилишга бошлайди. Бошқача айтганда, катта давр билан коинотнинг қисилиши ва кенгайиши (агар бу назария келажакда тасдиқланса) барча жонзодга тириклик бахш этувчи юракнинг ишлашига жуда ўхшаб кетади. Бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Биноборин, табиат бу дафъа ҳам ўз қонуниятига амал қилиб, юракнинг ишлаш принципини улкан коинотга ҳаёт инъом этувчи механизм сифатида танлаган бўлса ажаб эмас.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати, астроном.

СУРАТДА: Бугунги Тошкент.

Л. Глауберзон фотоси.

• ҲАР ТЎҒРИДА

ҒАРОЙИБ «СЪЕЗД»

Яқинда Австриянинг Фельдкирх шаҳрида ғаройиб «съезд» бўлиб ўтди. Бу ерга бутун Австриядан ва бошқа мамлакатлардан келган бир неча юз ярмарка эгалари тўпланишди. Ярмаркаларда музикали қутиларнинг бунчалик кўп сақланиб қолганини ҳеч ким ўйламаган эди. Репортёрлар бундан ҳатто ҳайрон қолишди. Шарманкачилар эса майдонда йиғилиб ўзларининг ялтиратиб бўялган музика асбобларини намойиш қилиш билан бирга, концерт ҳам қўйиб бердилар.

ОСМА ЙЎЛ

Швецариялик узумчи Вольтор Фюллер токзордаги меҳнатни осонлаштириш мақсадида осма йўл қурди. Осма йўлнинг узунлиги 300 метр бўлиб, плантация устида 60 сантиметрдан то 3,5 метргача кўтарила олади. Унинг аравачаси қуввати 6 киловаттли мотор билан ҳаракатга келиб, минутига 42 метр юради. Бу аравача 500 килограммгача юк кўтариши мумкин.

ЎЗИГА ХОС РЕКОРД

АҚШдаги «Сотби» аукционида ўзига хос «рекорд» ўрнатилди. Э. Деганинг скамейкада ёш балерининг ўтириши тасвирланган сурати 3,7 миллион долларга сотилган. Ахборот агентликларининг маълумотларига қараганда импрессионистларнинг бирорта ҳам сурати бундай «муваффақият»га эришган эмас.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IX да **Абай**, 1/X да **Инқилоб тонгги**, 2/X да **Ҳар тўқисда бир айб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/IX да **Тошкентликлар**, 2/X да **Мангулик.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Аёл — йиртқичлар даврасида»** аттракциони иштирокида Москва цирки артистларининг гастроллари (19.30).

КИНО

30 СЕНТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДЕМИДОВЛАР» — **Санъат саройи** (12.00, 14.30, 17.00, 19.30; Телефон 44-21-74), **Чайка** (18.00, 20.30; Телефон 77-06-20), **Восток** (11.00, 13.30; Телефон 91-14-61).

«ҚАСАМ ВА ВАЪДАЛАР» — **Санъат саройи** (11.30, 14.00, 16.30, 19.15).

«ОЙНА ДАРЗ КЕТДИ» — **Восток** (жуфт соатларда; Телефон 91-14-61), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда; Телефон 78-47-25), **Москва** (тоқ соатларда; Телефон 33-05-01).

«ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН СЕВИБ ҚОЛДИ» — **Искра** (жуфт соатларда; Телефон 39-14-59).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Нукус** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

30 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ДИСКОТЕКА

ИШЛАЙДИ

ҲАР КУНИ СОАТ 18.00 да

ЁШЛАР-РАҚС ҚЕЧАСИ

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

Меҳнат ва иш ҳақи бўлими ходимлари, бўлим бошлиғи ўринбосари, молия бўлими бошлиғи, ишлаб чиқариш диспетчерлик бўлими бошлиғи, етакчи конструкторлар, технологлар, катта технологлар, техника бюроси бошлиғи, экономистлар, бухгалтерлар, моддий-техника таъминоти бўлими ходимлари.

Иш юзасидан маълумотлар ва йўлланмалар олиш учун мурожаат этилсин: Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона ва аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг район пунктлари.

ҲУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНЛИ И. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

1 октябрь соат 15.00 да — Е. Шварц. «ҚИЗИЛ ШАПКАЧА».
2 октябрь соат 11.00 да — Ч. Айтматов. «ОҚ КЕМА».
4 октябрь соат 11.00 да — П. Мўмин. «ҚОВОҚВОЙ БИЛАН ЧАНОҚВОЙ».
5 октябрь соат 15.00 да — Р. Файзий. «ЎЗ УЙИНГДАСАН».
6 октябрь соат 11.00 да — В. Лифшиц, И. Качанова. «ҚИРОЛ ОВГА ЧИҚДИ».
8 октябрь соат 15.00 да — Н. Рўзимуҳамедов. «РАҲМАТ, КАПИТАН».
9 октябрь соат 15.00 да — И. Султон. «ДОНИШМАНДНИНГ ЁШЛИГИ».

Билетлар сотилмоқда.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ

СССР халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати

УРОЛ ТАНСИҚБОЕВ

ЯШАГАН ВА ИЖОД ҚИЛГАН УЙ МУЗЕЙИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Уй музейни зиёрат қилиш учун группали буюртмалар қабул қилинмоқда.

Группали экскурсиялар Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг экскурсиялар бўлимида рўйхатга олинмоқда.

Группа ўн беш кишидан ошмаслиги лозим.

Экскурсия чоршанба ва пайшанба кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

Уй музейнинг ишлаш тартиби: соат 11 дан 18.00 гача, душанба, якшанба куни дам олади. Кириш бепул.

Уй-музей адреси: Тошкент шаҳри, 1-Черданцев массиви, 5-уй (коттедж, 13, 22, 6, 29-трамвайлар, 17, 18-троллейбуслар, 1-автобуснинг «Рассомлар уйи» бекати). Телефон 62-62-30.

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1, 2 ОКТЯБРЬ СОАТ 14.00 ДА

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНАДИ

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР ҚУРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Фарғона область филармониясининг солисти, лирик хонанда НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар: САЛОҲИДДИН МУҲИДДИНОВ, ТЎЛҚИН ҲАЙДАРОВ, ДИЛОРОМ ҚАЮМОВА, ХОТАМ ХОЖИЕВ **ва бошқалар.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстри — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ҚОДИР МУМИНОВ.

Музика раҳбари — ИСМАТУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 99-ўрта мактаб томонидан **Мирзаев Фахриддин Зиятович** номига берилган 699440 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан **Собиров Ғайратбек Солиевич** номига берилган 225379 номерли йўқолган диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

СССР ГОССТРОЙИ Бутуниттифоқ сув таъминоти, канализация, гидротехник иншоотлар ва инженерлик гидрогеологияси илмий-тадқиқот институти ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ вакант вазифаларга КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

сув таъминоти системалари лабораториясининг **катта илмий ходими, кичик илмий ходими** (икки ўрин);

инженерлик гидрогеологияси ва сув узатиш системаси лабораториясининг **кичик илмий ходими.**

Конкурс муддати— эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700043, Тошкент шаҳри, 6-Хива проезди, 50-уй. Телефон: 78-44-37.

ДОСААФ ЎЗБЕКИСТОН ССР РЕСПУБЛИКА БИРЛАШГАН ТЕХНИКА МАКТАБИ **РАДИО-ТЕЛЕМАСТЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН оқ-қора ва рангли тасвирли телевизорлар бўйича**

ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 4 ойу 10 кун.

МАШҒУЛОТЛАР 3 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, 1-Олтитепа проезди, 37-уй. (метронинг «М. Горький» станциясигача борилади».

«ЭЛЕКТРОНИКА» ПЕЧИ ЖОННИНГ РОҲАТИ

МИКРОТУЛҚИНЛИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ПЕЧИ ЛАЗЗАТЛИ ТАОМЛАРНИ ТЕЗ ВА ТЕЖАМЛИ ТАЙЁРЛАШДА ЖОННИНГ РОҲАТИДИР.

Бу усулда таом пиширилганда унинг сифати янада хушхўр, витаминлар дуркун сақланади, тутун ва қурум чиқмайди, вақт ва электр қуввати кўплаб тежалади. Таомни тайёрлаш учун атиги бир неча дақиқанинг ўзи кифоя.

Бундай ажойиб печда нози-неъматларнинг таги қуйиб кетмайди. Бу айниқса гўшт ва балиқни муздан туширишда жуда ҳам керакдир.

«ЭЛЕКТРОНИКА» ПЕЧИНИНГ БИР ҚАТОР АФЗАЛЛИКЛАРИ БОР:

— Камеранинг махсус конструкцияси туфайли унинг ичидаги нози-неъматлар бир маромда исиб боради;

Бир неча мустақил блокировкали ёқиш дастаклари бу печнинг мутлақо хавфсизлигини таъминлаган;

— унда таомларни ҳатто ёғоч, шиша, пластмасса, чинни, фаянс идишларда, шунингдек, қоғоз ва картонда ҳам пиширишмумкин;

— таомни тайёрлаш хусусиятлари ёғдан воз кечиш имконини беради.

Кейинги фазилат медицина нуқтаи назаридан ғоятда бебаҳодир. (Парҳезли таомларни пиширишда жуда қўл келади).

Баҳоси — 270 сўм.

«ЭЛЕКТРОНИКА» МАРКАЗИЙ САВДО РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон—42-95-91).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

«Тошкент оқшоми» газетасига 1984 йил учун обуна давом этмоқда. Газетанинг бир йиллик обуна баҳоси— 7 сўм 80 тийин, ярим йилга—3 сўм 90 тийин. Обунани «Союзпечать» агентликлари ва бўлимларида, почтамтларда, алоқа бўлимларида, иш ёки ўқиш жойларида матбуотни жамоатчилик асосида тарқатувчилар кўмагида расмийлаштириш мумкин.

Азиз дўстлар! Маълумингиз бўлсинки, 1984 йил учун «Тошкент оқшоми»га обунани бир мунча ошириш кўзда тутилган. Шу кунларда эса «Тошкент оқшоми»га обуна кенг миқёсда олиб борилмоқда. Ўзингиз яшаб турган жойдаги алоқа пунктларида 1984 йил учун обунани расмийлаштириш ишлари қандай ташкил этилган? Шу масала бўйича таклифларингиз борми? Ана шулар ҳақида бизга батафсил ёзиб юборсангиз, деган умиддамиз. Бордию, бирор жойда сизга обуна масаласида рад жавобини бергудек бўлишса, бундай ҳолларда қуйидаги телефонлар орқали бизга мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз:

33—58—72, 33—57—02.

ТВ

30 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

16.15 «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига». 16.45 Союзлар уйининг Колонна залидан ўсмирлар учун музикали кўрсатув. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан ва турмуш». Фан ва техника соҳасида 1983 йилги СССР Давлат мукофотига номзодлар. 20.05 «Ашула ўқитувчиси. Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида Чехословакия эстрадаси артистларининг чиқиши. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 Эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати. Киевдан олиб кўратилади.

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Гандбол бўйича халқаро турнир. Хотинқизлар. ГДР — СССР терма командалари. Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 19.20 «1 октябрда қишки вақтга ўтилади». 19.30 «Едингдами, ўртоқ...» Улуг Ватан уруши ветеранларининг Смоленскдаги учрашуви. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Давлат республика «Россия» халқ ансамблининг концерти. 21.10 «Егоч одамчанинг тарихи». Ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Кузирсиз ўйин». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1- ва 2-серийлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 18.30 «Чингиз Айтматов». Ҳужжатли фильм. 18.50 «Китоб — билимлар манбаи». 19.10 «Амалдаги интернационализм». «Ўзбекистон — Ноқоратупроққа». 3-кўрсатув (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Тонг қўшиғи». Осиё ва Африка ёзувчилари VII конференцияси қатнашчиларининг шеърлари асосида адабий композиция. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 Давлат «Баҳор» ансамбли солистлари ижросида Шарқ халқларининг рақслари. 23.35 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Даниил Гранин ҳикоя қилади». Ҳужжатли фильм. 19.05 «Ёнгиндан сақланинг» (рус.). 19.30 «Ёз билан хайрлашув». Телевизион фильм. 19.40 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Дилбарим». Кинокомедия. 21.30 МТ II.

1 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 Ҳужжатли фильмлар: «Қаршилик ҳаракати ветеранлари: «Урушга йўл йўқ». «Ёшлик овози — ақл-идрок овози». 10.05 «Спортлото»нинг 40-тиражи. 10.15 Кипр артистларининг концерти. 10.40 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.10 «Поэзия». С. Капутикян. 12.00 Концерт. 12.40 «Сиз бунга қодирсиз». 13.25 «Давид Ойстрах». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.20 «Салом, инсон». Ҳужжатли фильм премьераси. 14.50 «Камалак халқ ижодиёти ҳақидаги телевизион программаларининг V халқаро фестивали. «Фиеста» (Филиппин). 15.05 «Дунё воқеалари». 15.20 «Дўстларимиз чеҳраси».

16.05 Болалар учун фильм. «Азиз», («Ўзбектелефильм). 17.10 Снёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 17.40 «Ҳайвонот оламида». 18.40 «Шаҳар боғида духовой оркестр чалмоқда». Концерт. 19.00 Мультфильмлар. 19.20 «9-студия». Кўрсатувни снёсий шарҳловчи В. Зорин олиб боради. 20.20 «Музика ҳамма учун». 21.30 «Время». 22.05 Телевизион миниатюралар театрида премьера. 23.10 Бадиий гимнастика бўйича СССР кубоги. Астрахандан олиб кўрсатилади. 23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.45 Халқ ҳаваскорлик ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивали олдидан. «Хива вақти бўйича роппа-росса соат еттида». Ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 12.20 «Шахмат мактаби». 12.50 «Салом, ўқитувчи». Ўқитувчилар кунига бағишланган кинопрограмма. 13.50 Телевизион миниатюралар театри. 14.35 «Инсон ва табиат» (рус.).

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Болалар учун концерт. 18.00 Осиё ва Африка ёзувчилари VII конференциясининг тантанали ёпилиши. А. Навоий номли Давлат академик катта театридан олиб кўрсатилади. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетиканинг роли». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Шанба тароналари». «Ялла» вокал-чолғу ансамбли. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Ву — менинг Ўзбекистоним». Фильм-концерт. 23.15 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. 18.30 «Олга, карнайчилар!». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 19.00 «Новости». 19.20 Теленовеллалар. 20.00 «Ахбор». 20.25 «Эзгу ишлар — эзгу ном». Телеочерк. 20.40 «Талабларингизга биноан». Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ўринбек Ҳамдамов билан учрашув. 21.30 МТ II.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

30 СЕНТЯБРЬ 1983 й. Р—07436. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12